

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Касб таълими факультети 5111017 - Касб таълими (иқтисодиёт)
бакалавр таълим йўналиши талабаси
Норқобилова Гулжаҳоннинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик-
нинг ўрни» мавзусини интерактив методлар асосида
ўқитиш услубиётини яратиш

Раҳбар:

Н.М.Джалилова

Маслаҳатчи:

Д.Қ.Абдиева

Иш бажарувчи:

Г.Р.Норқобилова

«Химояга рухсат этилди»
«КТ ва П» кафедраси
муdiri
З.Л.Ботиров

«20» 06 2015 й.

«Химоя учун ДАК га юборилди»
«Касб таълими» факультети
декан муовини
Ж.У.Шоназаров

«23» 06 2015 й.


ҚАРШИ-2015 й.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Ҳасб мазмун факультети
Ҳасб мазмун (иқтисодоти) таълим йўналиши

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«КТ ва IT» каф. мудири

 З.Л. Ботиров
(имзо, ф.и.ш)

«08» 12 2014 й

Битирув малакавий иши учун

ТОПШИРИҚ

Талаба Ҳеърқобиллова Гулжазир га

1. Малакавий иш мавзуси «Аҳоли бандлигини таъминлаш-
да оилавий таъбиркорликнинг ўрни»
мавзусининг интерактив методлар асосида
ўқитиш услубиётининг ератилиши

институтнинг № 6827 буйруғи билан 01.12.2014 да тасдиқланган.

2. Малакавий ишни топшириш муддати

3. Малакавий иш учун маълумот Президент асарлари, мав-
зусига доир дорини ва ушбу йўналишлар, илмий
журналлар, интернет маълумотлари

4. Ҳисобий изоҳ қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган савол-
лар рўйхати) Малакавий иш 5 та бўлган иборат.

I-000.-Ҳанва мавзусининг таълими. II-000.-Ҳи-
тин историкасининг услубий масалалари. III-000.-
Истиқомат-иқтисодий масалалар. IV-000.-Ҳажа-
рин даре ўқитиш историкаси. V-Амалий ма-
нот ўқитиш историкаси

5. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графикалар)

Малакавий ишда бажарилиши шарт бўлган
чизма, масофачилар сони - 12 таски
ташкил қилар.

6. Малакавий иш бўйича маслаҳатчилар

Д. Ҳ. Абдуева

7. Малакавий ишини бажарилиши бўйича календар график

Хатгалар сони	Малакавий иш бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан %	Бажарил- ганлиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
I	Кириш	3 бет	2,8 %	Бажарил- ди	ерим
II	Ранг мавзунинг таъсири	4 бет	3,8 %	Бажарил- ди	ерим
III	Ўқитишнинг таъсири масалалар	27 бет	25,9 %	Бажарил- ди	ерим
IV	Назаринг дарс ўқитиш методикаси	10 бет	9,5 %	Бажарил- ди	ерим
V	Амалнинг маъниси ўқитиш методикаси	8 бет	7,6 %	Бажарил- ди	ерим
VI	Ўқитиш ва таълим	6 бет	5,7 %	Бажарил- ди	ерим
VII	Ўқитишнинг таъсири масалалар	3 бет	2,8 %	Бажарил- ди	ерим

Малакавий иш раҳбари

Ушк. Досалилов Я.И.

Топшириқ олинган кун

08.12.2014г

Талаба

Шурковилова Гулжаҳон 1990

Кириш

Президентимиз И.А.Каримов бошчилигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотоарни ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги кунда билимли қобилиятли ўз касбини пухта эгаллаган ёшларимиз республикамизнинг таълимни, иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган замонавий ишлаб чиқаришни корхоналарда, тадбирларни ривожлантиришда ҳамда таълим соҳаларида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш технологик ривожлантириш ва энг асосийси кадрлар билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади.

Битирув малакавий ишининг долзарблиги, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий- иқтисодий ислохотларнинг поровард натижаси оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бу фаровонликка эришиш йўлларида бири оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ. Чунки, оилада тадбиркорликнинг ривожлантириши, унинг оилавий тус олиши энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни, яъни, оилалар фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имкониятини яратади. Шу боис, ушбу соҳани тараққий этитришни республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Касб-ҳунар коллежларида назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда турли интер фаол усулларни қўллаш айниқса, иқтисодиёт йўналиши бўйича таълим олаётган ёшларга ўзларини мутахассисликлари бўйича касбий кўникмаларини шакллантиришнинг долзарблигини кўрсатади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "... Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора тадбирлар натижасида ўтган йили, фермер ва деҳқончиликларини ҳисобга олмаганда 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъекларини ташкил этишди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 барабар кўпдир.. Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий соҳаларнинг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан, 56 фоизга, саноат маҳсулотларни ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.

2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг ташкил этди. Бу яратилган янги иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳоли 78,5% дан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000-йилда бу кўрсаткичнинг 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга оширилаётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда".

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида ушбу долзарб вазифани ҳал қилиш борасида салмоқли, ижобий натижаларга эришди. Аммо ҳозирда ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳукуқий ва иқтисодий шарт-

шароитларни такомиллаштириш, уни пул маблағлари билан таъминлаш муаммоларини ўз ечимини кутмоқда. Хусусан, оилаларнинг ўз маблағларининг етишмаслиги ва жалб қилинган маблағлардан тўғри фойдалана олмаслиги ҳолатлари оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Битирув малакавий ишнинг мақсади аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликни ўрни ва уни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат ҳамда “Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ўрни” мавзусини назарий ва амалий дарс ишланмаларини

1. Фан ва мавзунинг тавсифи

1.1. Касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлашда “Кичик бизнесни бошқариш” фанининг ўрни ва мақсади

“Кичик бизнесни бошқариш” фани тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари, уларнинг иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни республикада тадбиркорликнинг ва кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва уларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш масалаларини талабалар кенг зрганадилар. Шунингдек мазкур фанда кичик бизнес фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш унинг молиявий ҳолати ва кредит билан таъминлаш шакллари кичик бизнеснинг солиқ ва аудит тизими билан бўладиган алоқалари, ахборот билан таъминлаш йўллари натижаси ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари ҳақида ўрганиладиган иқтисодий фандир.

Ҳозирги кунда республикада кичик ва ўрта бизнес соҳаси билан шуғулланувчи ишбилармонларга талаб янада ошмоқда. Бу республикадан Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг олдига ҳам бир қатор вазифалар кўяди. Улардан бири кичик ва ўрта бизнес учун малакали мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш уларни замонавий ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришдир.

1.2. “Кичик бизнесни бошқариш” фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги ва вазифалари

“Кичик бизнесни бошқариш” фани янги кириб келаётан иқтисодий фан сифатида бошқа фанлардан ажралган ҳолда ривожлана олмайди. У ўзига янги кўшни фанлар ютуқлари ва маълумотларидан кенг фойдаланади.

“Кичик бизнесни бошқариш” фани муайян иқтисодий фанлар билан: корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уюштириш, менежмент, бошқарув фаолияти асослари бухгалтерия ҳисоби, молия ва

кредит, статистик режалаштиришнинг иқтисодий математик усуллари каби кўплаб фанлар билан боғлиқ.

Ушбу фаннинг вазифаси - иқтисодий билимларнинг амалдаги ютуқларидан бизнес тадбиркорлик фаолиятида, мақсадга мувофиқ фойдаланиш унинг натижасида кичик корхоналарнинг самарадорлигини ошириш жаҳон бозорига рақобатга бардош берадиган юқори сифатли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишдир.

Маскур фаннинг ўрганиш объектини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар корхоналар муассасалар ва ташкилотлар ташкил қилади.

Фанни ўрганишда бозор иқтисоди бўйича малакалий мутахассислар, бизнесменлар ва ишбилармонлар таклиф этиш ҳолатларини чуқурроқ билиш омилларига имкон яратади.

1.3. Касб ҳунар коллежларининг мақсад ва вазифалари

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг о'з ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХИ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар етиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширилган.

Етук ва баркамол авлодни тарбиялаш учун Президентимиз томонидан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларни қабул қилиниши ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий психологик, педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгирлигини ҳис қиладиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди. Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб - ҳунар коллежи ва академик лисей барпо етилди. Касб-ҳунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини егаллаш, айти вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни егаллаши, айти пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни егаллашнинг енг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги кунда юртимиздаги барча таълим, фан, маданият ва

маърифат муассасалари Таълим портали ва интернетга уланган. Бу еса таълим жараёнига масофадан туриб ўқитиш усуллари, ўқувчи ёшлар учун ахборот-коммуникация хизматларининг кенг мажмуини жорий етиш имконини бермоқда.

Ёшлар мутахассислик юзасидан пухта ва изчил таълим олиши жараёнида малака ва кўникмалар ҳосил бўлади, меҳнатга қизиқиш ва иштиёқ тарбияланади. Меҳнаткашларга нисбатан ҳурмат ҳисси, меҳнатдан бўйин товловчиларга нисбатан нафрат ҳисси таркиб топади.

Ўқиш давомида ёшларга ишлаб чиқариш дарслари ўтилиши муносабати билан уларга меҳнатга қизиқиш, ўз касбига меҳр қўйиш ҳисси уйғонади. Меҳнатни тўғри ташкил етишга одатланади.

Шундай қилиб, касб-ҳунар коллежлари ўзининг кадр-қимматини англайдиган иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётга аниқ мақсад сари интилувчи инсонларни тарбиялашда асосий рол ўйнайди.

Касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан кадрлар ҳозирги замон ишлаб-чиқариш асослари, унинг базаси ҳақидаги билимлар асослари, унинг базаси ҳақидаги билимлар системаси билан қуроллантирилган, ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги иш операсияларини ўзлаштириб олиш учун база аҳамиятига ега бўлган бир қатор меҳнат кўникма ва малакаларни егаллаган кадрлар бўлиб етишади.

Касб-ҳунар коллеж битирувчиларга давлат таълимининг кейинги босқичларида ўқишни давом еттириш ҳуқуқини беради ва кичик мутахассис бўлиб ишлаш имкониятини беради.

2 . Ўқитиш методикасининг умумий масалалари.

2.1 Таълим жараёнининг дидактик моҳияти.

Дидактика – таълим-тарбия муассаса шароитида ўқитувчининг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил кўринишдаги таълим-тарбия муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Дидактика термини, дастлабки, XVII асрда чех педагоги Я.А. Каминский томонидан ишлатилган. У “Буюк дидактика” асарида (1657) дидактиканинг асосий масалаларини ишлаб чиққан. Дидактика XIX аср ўрталаридан педагогиканинг алоҳида соҳаси сифатида кўп мамлакатларда ўрганила бошлади.

Ёшларга таълим бериш жараёни жамият тараққиёти, фан-техника тараққиёти, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади билан чамбарчас боғлиқ. Таълим ва тарбиянинг мазмуни, мақсадининг ўзгариши, дидактика принципларини услублари ва ташкилий шакллари ҳам ўзгаришга, ривожланишига сабаб бўлади.

Дидактика принциплари ўз навбатида ўқитиш, таълим бериш услубларини ва ташкилий шакллари ҳам белгилаб беради.

- илмийлик ва объективлик;
- назария билан амалиётнинг боғлиқлиги;
- мутахассислар тайёрлашда изчиллик ва системалилик (тизимлилик);
- ўқув жараёнида талабаларнинг онглилиги, фаоллиги ва мустақил фикрлай билиши;
- индивидуал илмий изланишларни талабалар гуруҳи, жамоаси, ўқув жараёни билан бирга қўшиб олиб бориш;
- талабалар олган билим ва кўникмаларини пухталилиги;
- берилаётган билимнинг талабабоплиги;
- ўқув жараёнининг барча шаклларида таълим ва тарбиянинг бирлиги;

Дидактика ўз тадқиқотларини олиб бориш жараёнида қуйидаги анъанавий тадқиқот усулларида фойдаланади: тарихий ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш, ўқув услубий ҳужжатларни ўрганиш, фанлардан билим бериш амалиётини синтезлаш, статистик усуллар, мақсадли суҳбат, қиёсий тасниф, таққоослаш ва ҳоказо. Шу билан бирга, дидактикада нисбатан янги ҳисобланувчи – мажму ёндашув, графоаналитик, математик моделлаштириш, социологик тадқиқот усуллари ҳам фойдаланилади.

Яхлит таълим-тарбия жараёнида дидактика фаннинг вазифалари:

Биринчи: - билим эгаллаш ҳамда уларни кўникма ва малакага айлантириш қонуниятларини аниқлаб бериш. Бу борада дидактика анча ютуқларга эришган бўлиб, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг қуйидаги қонуниятларини, яъни тамойилларини аниқлаган. Буларга: билимнинг узатишда онглилик ва фаоллилик, кўргазмаллик, тизимлилик ва мунтазамлик, мустаҳкамлик, тушунурлилик, илмий асослаб бериш, назария ва амалиёт бирлиги киради.

Иккинчи – таълим мазмунининг тузилиши ва ҳажмини белгилаш.

Учинчи – таълим ва тарбия беришнинг шакллари ва усуллариинг такомиллаштириш.

Тўртинчи – бир бутун таълим-тарбия жараёнининг ўқувчи ва талабаларнинг тарбияланганлик ҳолатига ижобий таъсирини таъминлаш.

Билим ва кўникмаларни таркиб топтириш нақадар зарур бўлсада, ҳозирги дидактика ана шу соҳа билангина чекланиб қолмайди.

Эндиликда ўқувчиларни камол топтиришда керакли натижалар берадиган ўқиш жараёнининг илмий асаоларини ишлаб чиқиш зауурияти туғилди. Ўқувчи ва талабаларнинг камол топиши таълим-тарбия жараёнида амалга ошиши сабабли билим ва кўникмаларнинг шакллантиришга қаратилган дидактик принциплар маълум натижани беради. Аммо вазифа фақат қандайдир натижаларга эришиш эмас, балки талабаларни камол топтириш учун ўқитишнинг энг юқори самарадорлигини таъминлашдан иборатдир.

Таълим жараёнининг “яхлитлиги” “тизимлилиги” ва “мажмуавийлиги”ни бир хилда талқин етиш мумкин эмас. Бироқ, таълим жараёнининг яхлитлиги унинг тизимлилиги билан узвий боғлиқ.

Тизим (мустақил тушунча сифатида) ўзаро боғланган кўплаб элементлар (таркибий қисмлар) ўртасидаги мустақкам бирлик ва ўзаро яхлитликдир. Таълим яхлит тизим сифатида кўплаб ўзаро боғлиқ қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- 1) таълим мақсади;
- 2) ўқув маълумот (ахборот)лари;
- 3) ўқитувчи фаолияти;
- 4) ўқувчининг таълимий фаолияти;
- 5) таълим шакллари;
- 6) таълим воситалари;
- 7) таълим жараёнини бошқариш усуллари;
- 8) таълим натижаси.

Барча таркибий қисмларнинг ўзаро бирлиги ва яхлитлиги сифатида намоён бўлувчи таълим жараёнининг негизини ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълимий фаолиятлари ташкил этади.

2.2. Касб-хунар коллежларида таълим мазмунини лойиҳалашга интегратив ёндашув

Бугунги кунда ўрта махсус касб-хунар таълими мазмуни сифатини янада оширишга бўлган эҳтиёж таълим жараёнига янги-янги вазифалар кўймоқда. Фаоллиятнинг турли соҳалари интеграцияси ва ахборотлаштириш жараёнининг ривожланиши жадаллашмоқда, ишлаб чиқариш ва таълим соҳасида ахборот оқимлари ҳамда инновацияларни сони анча кўпаймода. Бу эса коллеж битирувчиларининг билимларинидоимо янгилаб бориш ва касбий тайёргарлигини сифатини ошириш заруратини белгилаб берди.

Аммо касбий билим битирувчининг касбий карьерасини бир умрга белгилаб бермайди, у ўзининг касбий компетентлигини доимий равишда ошириб бориши керак. Бундан кўринадики, ўрта махсус касб-хунар муассасаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнининг асосий вазифаларидан бири уларда замонавий касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлмоғи лозим. Буларнинг барчаси тизимда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида таълим мазмунини янада такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини ошириш зарурлигини кўрсатади.

XXI асрда ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмунини янгилашнинг концептуал қоидаларидан бири компетентлик нуқтаи назаридан ёндашув ҳисобланади. Уни амалда жорий этиш эса, таълим мазмуни, метод ва технологиясига янгича ёндашишга олиб келади.

Таълим мазмунини янгилашнинг асосий бирликларидан бири компетентлик тушунчасидир. У шахснинг интегратив хусусиятини, бошқача айтганда, бўлажак мутахассиснинг шахсий сифатлари-билими, кўникмалари, амалий тажрибаси, қобилиятлари, қадрияти, йўналишларини ифода этади. Компетентлик шахсдек ўқув-тарбия масалаларини ҳисобга олиб, турли ўқув

фанлари бўйича ўқитиш мазмунини, ўқув материални танлаш ва тузишни мувофиқлаштириш лозимлигини назарда тутди.

Педагогик интеграциянинг функцияларини аниқлаб, унинг турли кўринишларига хос бўлган умумий ва ўзгармас (инвариант) функцияларини алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтиш зарур.

Олимлар педагогик интеграциянинг ўзгармас функциялари қаторига қуйидагиларни киритадилар: методологик, ривожлантирувчи, технологик функциялар. Улар маълум вазифаларни бажаришда педагогик интеграция фаоллигининг намоён бўлиши усуллари сифатида қаралади.

Педагогик интеграциянинг методологик функцияси уч йўналиш (аспект) билан ҳарактерланади:

- эвристик (педагогик интеграциянинг янги педагогик концепцияларини ишлаб чиқиш учун асосий таянч сифатида ҳизмат қилишга яроқлилиги);

- дунёқараш- аксиологик (педагогик интеграциянинг педагогик жараён иштирокчиларини интеллектуал-маънавий жиҳатдан бойитувчи восита бўлиб ҳизмат қилиш);

- воситавий (педагогик интеграциянинг педагогика фанини ҳамда таълим амалиётининг билиш ва ўзгартириш воситаси, шунингдек эски ва янги билимлар, назарий билим ва амалий тажрибанинг изчиллигини таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлиши).

Педагогик интеграциянинг технологик функцияси мазмунини ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: ихчамлаштирилган ахборотлар ва вақт; такрорланишларни бартараф этиш билим ва кўникмалар ривожланишидаги изчилликни аниқлаш; бирор фанда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг бошқа фанларда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларга ўзаро қўшилиб, сингиб кетиши тушунчалар, далиллар, кўникма ва малакаларнинг тизимлаштирилиши, умумлаштирилган билим ва кўникмаларнинг баъзи қисмларининг инткор этилиши.

2.3. Дарсинг ташкилий шакллари танлаш ва асослаш.

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда, аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунилади.

Дарс- аниқ мақсадни кўзлаб, берилган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи-ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулотлар экандарсининг мақсади, мазмуни ва ҳажми таълим стандартлари асосида белгиланади. Ўқитувчи учун дарс педагогик фаолиятнинг асосий ташкилий шакли экан, у бу жараёнда:

- ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлишига;

- дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилишига;

- дарс ўқитувчи раҳбарлигида бутун синф билан ва алоҳида ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилишига;
- дарс ўқув фанининг характери, берилаётган билимларнинг мазмунига қараб турли услар ва воситалр ёрдамида олиб борилишига ва узлуксиз таълим тизимининг бир қисми сифатида тугалланган билим берилишига ҳамда навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга каттиқ риоя қилиши шарт.

Дарснинг мантикий тузилиши ва билиш жараёнининг характериға қараб дарслар: кириш дарси; эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш дарси; эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш дарси; янги билимларни эгаллаш дарси; эгалланган билимларни амалиётда куллаш дарси; куникмалар ҳосил қилиш дарси; умумлаштириш, қайтариш ва мустаҳкамлаш дарси; текширув дарслари; аралаш дарс.

Яна дарслар уларни утиш асосига қараб, қуйидаги турларға ажратилади:

1. а) дарс-лекция; б) дарс-сухбат; в) кино дарси; г) назарий ёки мустикал ишлар дарси; д) аралаш дарс.

2. а) мустикал ишлар дарси; б) дарс лаборатория; в) амалий назорат; д) назорат иши; е) аралаш дарс.

3. а) огзаки сураш; б) ёзма синов; в) синов; г) синов амалий назорат; д) назорат иши; е) аралаш дарс.

Унинг шу кунгача сақланиб келишининг сабабларидан бири аралаш дарсдаги тўрт унсур истаган кетма-кетликда қўлланилиши мумкин. Шу билан бир қаторда бу типдаги дарс жараёнида дидактиканинг деярли барча талабларига эришиш осон. Шунинг учун ҳам, тадқиқотчиларнинг айтишларича, 80% дарслар шу типда олиб борилад экан.

Бу типдаги дарсларнинг афзаллаги яна шундаки, у дарс жараёнида ҳукм сурувчи қонуниятларға мос кеалди. Бу дарсларда ўқувчи ва педагоглар, ўз шароитларидан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг қабул қилиш имкони, тайёргарлик даражаси ва бошқа бир қатор омилларни ҳисобға олган ҳолда, дарсға ажратилган вақтни дарс ичидвги тўрт унсурға ихтиёрий равишда тақсимлай оладилар.

Аралаш дарсларнинг юқорида айтилган ютуқлари билан бир қаторда, камчиликлари ҳам оз эмас. Чунончи, аралаш дарсларда, ундаги тўрт унсурнинг ҳаммасига вақт етишмайди. Дарс олиб боровчиларнинг ихтиёридан ташқари, аввалги дарсни яхши қайтариб чиқаман, деган муаллимға, албатта янги билим бериш учун кам вақт қолади. Шунинг учун кейинги вақтда, педагогик амалиётда бир турдаги фаолият билан шуғулланувчи дарслар пайдо бўла бошлади. Буларға: янги билимларни эгаллаш дарслари; янги кўникмаларни ҳосил қилиш дарслари; билимни умумлаштириш ва тизимға келтириш дарслари; билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда хатоларни тузатиш дарслари; билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда хатоларни тузатиш дарслари; билим ва кўникмаларни амалиётда синаб кўриш дарслари. Масалан, дарсларға ажратилган 45 дақиқани, янги билимларни эгаллаш дарс типиде, дарсни ташкил қилиш ва ўтган дарсни қайтариш қисмиға 2-3 дақиқа берилади. Бу вақтда ўқитувчи ўтган дарсни қайтармай, қисқача эслатиб ўтади, холос.

2.4 Замонавий дарс ва дарсга керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар

Ҳозирги пайтда замонавий дарс тушунчаси тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий дарс деганда-ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий салоҳиятини ишга солиб, ривожланиши таъминлайди. Ўқувчи эса ўз навбатида, билимларни чуқур ўзлаштиради ва кўникмасига айлантириб, маънавий баркамоллик сари одимлайди

Дарсни замонавий тарзда ташкил қилиш учун қуйидаги меъёрий ҳужжатлар тахт бўлиши шарт.

Дарсни бошлашдан аввал, биринчидан, ўқитувчи ва педагогнинг қўлида ўз фанидан, мутахассислар томонидан тузилган ҳамда мутасадди вазирликлар тасдиғидан ўтган намунавий ўқув дастур бўлиши керак. Иккинчидан, шу дастурдан келиб чиқиб, ишчи ўқув дастури тузилган бўлиши шарт. Учинчидан, жадвалидан келиб чиқиб, тақвимий ўқув режа тузилган бўлиши керак. Тўртинчидан, ушбу ўқув фанидан ўтилаётган ҳар бир дарс учун конспект ёки маърузалар матни ёки педагогик технология асосида дарснинг лойиҳаси тузиб чиқилган бўлиши лозим. Шулар билан бир қаторда, ҳар бир дарснинг ишланмаси ва технологик харитаси бўлиши керак.

Шунингдек, кўргазмали куроллар, тарқатма материаллар ва бошқа бир қатор дидактик материаллар талаб қилинади. Талабалар мустақил иш мавзулари, консультация ва қолдирган дасрларни қайта топшириш жадвали, баҳолаш мезонлари ва тест саволлари жамулжам бўлиши шарт.

Ўқув қўлланмалар, асосан, тажрибали педагоглар томонидан алоҳида тайёрланган бўлиб, у дарс мазмунини тўла ифодалаш ва ўқувчи-талабалар дарс мазмунига яхши тушуниб етишлари учун хизмат қилади. Буларга ҳар турли кўргазмали куроллар, тарқатмали материаллар, турли муаммоли вазиятларни яратилади.

Педагогик усул ва услублар. Дарс жараёни фақат педагогик усул ва услублар орқали амалга оширилиб, дарснинг ажралмас қисми ҳисобланади. Педагогсиз ва талабасиз усуллар ва услубларсиз дарсни амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун, дарсга керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар қаторига дарс ўтиш усул ва услублари тизими қўшилса, айтим муддао бўлар эди. Бу усуллар тўплами ўқитувчи-педагоглар учун катта қулайлик яратарди. Дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида, қайси усулни қўлласам экан, деб ўйлаб ўтирмай, тайёр усуллар тизими ичидан танлаб олишлари мумкин.

Таълим жараёни ўқув ахборотни ва уни мантикий ўзлаштиришни англашни ташкил қилишни кўзда тутди. Билимни узатиш ва уни кўникмага айлантириш усулларида ташқари, ўқув фаолиятини рағбатлантириш ҳамда таълимда бурч ва масъулиятни асослаш усуллари ҳам мавжуд.

Шу билан бир қаторда, таълим жараёнини назорат қилиш ва таълим-тарбия жараёнини бошқариш усуллари ҳам мавжуд бўлиб, уларсиз ҳам таълим-тарбияни амалга ошириб бўлмайди. Ва ниҳоят, ўқитувчи томонидан

етказиб берилган билимлар, ўқувчи ва талабаларнинг қанчалик ўзлаштириб олганлигини аниқлоқчи усуллар ҳисобланади.

Ёшларни тарбиялаш жараёнида маънавий-интеллектуал ривожланиш сифатларини аниқлашнинг аниқ мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилган. Ўқувчи ва талабаларнинг маънавий-интеллектуал шаклланиш сифатларидаги ютуқ ва камчиликларини рағбатлантириш, тузатиш, тарбия мазмунини, усул, услуб ва ташкилий шакллари яхшилашга мос тузатишлар киритилиши кўзда тутилади.

Талабаларнинг билимини, ақлий камолотларини назорат қилиш ва баҳолаш давлат миқёсидаги муҳим масала ҳисобланади. Шу билан бирга, назорат ва баҳолаш жараёни ўқувчи билиминини бойитишга, улар шахсини ривожлантиришга ва тарбиясига катта таъсир кўрсатади

2.5. Касб-хунар коллежларида таълим жараёнини модернизациялаш

Замонавий таълимнинг асосий тенденцияларидан бири ўқитишда кўпроқ ахборот шаклидан илмий изланиш, ўқувчиларнинг мустақил ишлари, имкониятларидан кенг фойдаланиш асосида ўқитишнинг фаол метод ва шаклларига ўтишни, бошқача қилиб айтганда, “қайта такрорлаш”дан “тушуниш, фикрлаш”га ўтишни кўзда тутди. Мазкур ўзгаришлар касб-хунар коллежларидага мавжуд таълим мазмунини модернизациялаш, унинг ташкилий шаклларига нисбатан технологик ёндашув шакллантириш, натижада таълим олувчи шахсининг индивидуаллиги, ўзига хослиги ва эҳтиёжлари доирасидан келиб чиқиб ўқитиш ташкил этишга хизмат қилувчи янги таълим шакллари тизимини яратиш муаммосини келтиради. Бунда касб-хунар коллежлардаги ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолиятини ривжлантиришни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан саналади.

2.1- чизма

Касб-хунар коллежларида таълим жараёнини модернизациялаш		
Ўқитувчи фаолияти	Таълим жараёни	Таълим олувчи фаолияти
-Аксиологик ёндашув -Акмеологик ёндашув -Креатив ёндашув - Рефлексив ёндашув	-Мақсад ва вазифалар -Шахсга йўналтирилган касбий таълим мазмуни -Ўқув-тарбия жараёнини амалган ошириш технологияси -Педагогик шароитлари (мазмунли, технологик, рефлексив) -Кутилган натижалар -Келгуси режалар	-Шахсга йўналтирилганлик -Ижодкорлик -Танқидий фикрлаш -Мустақил таълим -Фаоллик

Касб-хунар коллежларидаги таълим жараёнини модернизациялашда етакчи феноменлардан бири сифатида баҳоланадиган аспект бу ўқитувчиларнинг касбий-инновацион тайёргарлигидир.

Ўқитувчиларнинг инновацион тайёргарлиги ва улар фаолиятига нисбатан инновацион ёндашувни шакллантириш босқичларини В.Сластенин куйидагича белгилайди, яъни аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашув. Мазкур ёндашувлар асосида касбий фаолиятига нисбатан инновацион тайёргарликни шакллантириб ривожлантириб борилиши касбий тайёргарлик сифатини янада оширади. Бу эса касб-хунар колледжларидаги таълим жараёнида инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда ижодкорлик, фаоллик, мустақиллик, танқидий фикрлаш каби сифатларни шакллантириш лозимлигини кўрсатади.

Касб-хунар коллежларидаги таълим жараёни ўз моҳиятига кўра, бўлажак мутахассис шахсини ва унинг касбий тайёргарлигини белгиланган малакавий талаблар асосида шакллантиришга йўналтирилган таълим иазмунини амалга ошириш шаклидир.

Таълим жараёни – бу махсус тайёргарликдан ўтган мутахассислар ёрдамида ташкил этиладиган ва таълим олувчиларни зарурий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантиришга йўналтирилган мақсадли жараёндир.

Таълим жараёнининг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Касб-хунар коллежларидаги таълим жараёнининг асосий мақсади кичик мутахассислар тайёрлаш даражасининг ўзига хослигига қараб белгиланади. Таълим мазмунини белгилаш ва унинг асосида таълим жараёнини ташкил этиш давлат таълим стандарти, ўқув режаси, ўқув дастури, методик материаллар банки, яъни дарслик ўқув қўлланмаси, услубий материалларда ифодаланади.

Бунга кўра касб-хунар коллежларидаги таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан икки хил ёндашув: билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган анъанавий ва шахсни шакллантиришга йўналтирилган ноанъанавий ёндашув кўзга ташланади.

Келтирилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, касб-хунар коллежларидаги ўқув-тарбия жараёнини инновацион таълим асосида ташкиллаштириш таълим сифати ва касбий тайёргарликни шакллантириш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

2.6. Касб-хунар таълимида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари

Хозирги кунда ахборот технологиялари жамиятимизнинг ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио телевидения) дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

- ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишалб чиқиш;
- педагогларнинг ўз амалий фаолиятиларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Ахборот таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараёни компьютерлаштириш асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

Ахборот технологиялари - бу одамларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб-чиқариш, тиклаш, узатиш усуллари ва техник воситаларидир. Яна шунингдек, ахборот технологиялари деганда маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар занжиридан иборат яратувчи фаолият тушунилади.

Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим ўрин тутиб қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабаларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларини, ўзини-ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш;
- воқеа ва ҳодисаларни комплекс ўрганишни, аниқ, табиий-илмий , техникавий ижтимоий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;
- ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий тарзда ва динамик равишда янгилаш;

Шунингдек, таълим жаарёнида ахборот технологияларининг жорий этиши ўқитувчи (педагог) вазифасининг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни педагог таълим-тарбия беришдан кўра кўпроқ тадқиқотчи, ташкилотчи, маслаҳатчи ва дастурловчига айланади. Буларнинг ҳаммаси эса педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ўзгартиришни талаб қилади. Педагогларнинг ахборот маданиятлари асослари методологик , умумтаълимий, умуммаданий характерда бўлиб, педагог ходимларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида барча ўқув фанлари комплексини ўрганишда шаклланиши лозим.

Таълим жараёнида замонавий ахборот техноогияларининг жорий этилиши қуйидагиларга олиб келади:

- таълим жараёнини, ўқувчи-талабаларнинг аниқ тайёргарлик даражасини, қобилиятларини янги материални ўзлаштириш суръатини ,

қизиқиш ва майлларни ҳисобга олиб, кўпроқ индивидуал равишда ёрдам бериш;

- ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ўз-ўзини такомиллаштириш, таълим ва касбга қизиқишлари ҳамда интилишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш.

2.7.Таълим жараёнида мультимедиали ўргатувчи тизим яратиш технологияси

Маълумки, ҳозирги вақтда компьютер, ахборот-телекоммуникация технологиялари ва мультимедиа воситалари таълим соҳасида кенг қўлланилмоқда. Модулли ўқитиш технологиясига мўлжалланган электрон ўқув методик мажмуалар ишлаб чиқилиб, касбий таълим жараёнида жорий этилмоқда. Эндиликда янги ахборот технологиялари ҳам ўрганиш предмети, ҳам касбий амалий фаолият курси вазифасини ўтамоқда. Буларнинг баарчаси ўқитишнинг шакл ва методлари, таълим жараёни иштирокчилари фаолияти модели мазмунини ўзгартириб юборди.

Ахборот элтувчи ва ахборот манбаларига кириш воситалари кўпайиб, тармоқ технологиялари ривожлангани сари ўқитувчи ва таълим олувчининг телекоммуникацион каналлар бўйича доимий алоқа ўрнатиш, масофадан таълим бериш ва таълим олиш имконияти кенгайиб бормоқда. Натижада ўқитиш тизимида хилма-хил дастурий маҳсулот ва воситалардан фойдаланишга зарурат туғилмоқда.

Аммо уларнинг ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш осон иш эмас. Бунда нафақат технологик, балки ташкилий ва методик характердаги қийинчиликларга ҳам дуч келинади. Хусусан, ўргатувчи дастурларни яратишдаги асосий муаммолардан бири-бу ижрочилар жамоасини танлаш ва уларнинг ишини ташкил этишдир. Чунки, ҳозирги вақтда янги ахборот технологияларини яратиш ёки, улар билан ишлашда ўз билими, кўникма ва малакаларини қўллай оладиган мутахассислар, дастурчилар, дизайнирлар ва педагоглар жуда муҳим. Ҳолбуки, бу ишда уларнинг ўзаро ҳамкорлиги жуда муҳим. Чунки дастурий маҳсулот ва воситаларни тизимлаштириш ва лойиҳалаш методологиясини пухта эгаллаган, педагогика ва психология асосларини ўзлаштирган, электрон ахборот хусусиятларини яхши биладиган мутахассислар иштирок этиши зарур.

Ўз мазмун-моҳиятига кўра, интеллектуал тизим бўлган мультимедиали ўргатувчи тизимни яратиш қуйидаги масалаларни ҳал этишни талаб қилади;

- билимларни тақсим этиш усулини танлаш;

- билимларни тақсим этишда мантиқийлик ва изчиллик тамойилига амал қилиш;
- билимлар базасини тўлдириш учун дастлабки воситаларни яратиш ва тизимдан фойдаланиш жараёнида уни тўлдириб бориш.

Мультимедиали ўргатувчи тизим компонентларини лойиҳалаш ва қуришда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган манбалар борки, уларни назардан четда қолдириб бўлмайди. Улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш мумкин.

1. Ўқув фани бўйича электрон дарслик. Дарслик модул технологияси асосида тайёрланади. Таълим олувчининг ўқув фаолияти мураккаблик даражасга қараб, ўқув топшириқлари уч турга таснифланди: умумий, комплекс, муаммоли масалалар.

Умумий масалалар модулнинг дидактик мақсадларига мувофиқ оддий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Комплекс масалаларни ечишга олдиндан маълум бўлган алгоритмлар қўлланилади. Улар умумий вазиятларда шаклланган оддий кўникмалар асосида комплекс кўникмаларни ўзлаштиришга имкон беради.

Шунингдек, таълим олувчиларнинг ижодий мустақиллигини таъминлаш учун муаммоли масалалардан ҳам фойдаланилади.

Модулга таълим олувчиларнинг мустақил фаолият юритиш даражасини аниқлашга имкон берувчи назорат топшириқлари ҳам киритилади. Топшириқлар жорий, оралик ва якуний назоратни оғзаки ёки ёзма шаклда ўтказиш учун танланади.

2. Ўқув маълумотлари базаси курсини ўрганиш учун зарур бўладиган таърифлар, формулалар ва теоремаларни ўз ичига олади.

3. Электрон ишчи дастур амалий машғулотларга тайёрланиш ва уларда ишларни ташкил этиш учун зарур. У намунавий ва комплекс масалаларни ечиш бўйича қисқа аннотациялар ва фанни ўрганиш бўйича қўлланмаларни, амалий машғулотларда ва уйда ечиш учун тавсия этиладиган масалаларни ўз ичига олади. Ундан ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этишда ва таълим олувчилар курсини мустақил ўрганишда, маърузалар, амалий ва лаборатория машғулотларига тайёрланишда фойдаланилар. Бундан ташқари, ўқитувчи ундан фойдаланиб турли амалларни бажариши мумкин. Жумладан:

- таълим олувчиларнинг билимларини назорат қилиш, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш, таълим олувчиларнинг ҳам аудиторияда, ҳам уйда мустақил ишларини ташкил этиш учун топшириқларни автоматик шакллантириш;
- таълим олувчилар билимларини назорат қилиш натижаларини таҳлил қилиш;
- назорат шакллари ҳисобга олиб, якуний баҳони қўйиш;
- дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Ўқитишнинг техник воситалари асосида яратилган электрон ўқув методик мажмуани касбий таълим жараёнида қўллаш натижалари шуни кўрсатадики, бунда нафақат ўқув мақсадларига эришилади, балки бўлажак касб таълими ўқитувчиларида касбий мотивлар шакллантирилади, энг муҳими, улар билишнинг мақбул психологик ва ижтимоий вазиятини яратувчи виртуал дидактик муҳит доирасида мустақил таълим олиб, касбий тайёргарлигини оширадилар.

2.8. Касб-ҳунар коллежи ўқитувчисининг инновацион фаолияти модели

Педагогик инновацияларнинг мақсадлари-педагогик жараённинг ҳамма субъектларини шахсий ривожлантириш. Инновацион жараёнда педагогнинг тутган ўрни ўзгариши керак. Ўқитувчи билимларини етказиб берувчи эмас, балки ўқувчи шахсинининг ташкил топиши ва ривожланишида ёрдамчи сифатида иштирок этади.

Инновацион педагогик фаолиятнинг муҳим шарти, предметга йўналтирилган ўқув фаолиятини шахсга йўналтирилган ўқув фаолиятига айлантириладиган шароитларда касб-ҳунар коллежи ўқитувчисинини тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Модел (Modele, лотинча modulus-ўлчов, намуна) инновацион педагогик фаолият модели тушунчаси асоси қилиб ўқитувчининг фаолияти жараёни схемасини тушунишини олинади.

-Ўқув жараёнини ташкил этиш характери. Ўзлаштириш жараёни эскича ёдлаб олиш хусусиятларини йўқотиб, ўқув жараёни субъектларининг ўзаро алоқалари ва фикрлаш фаолиятларини турли шаклларида содир бўлади.

-Мустақил ўрганиш фаолиятини баҳолаш.

-Янги педагогик тажрибаларни ўзлаштириш.

-Таълимнинг ўзгараётган мазмуни ва мақсадларини мос равишда билимларни, малака ва кўникмаларни эгаллаш бўйича махсус ишлар.

Бундай муносабатларнинг характерли томонлари:

-таълим бериш ва тарбияда шахсга йўналтирилган йўлни амалга ошириш;

-аста-секин гуруҳли ўзаро алоқадан индивидуал алоқага ўтиш;

-ўқувчиларга қўйиладиган тўғридан-тўғри педагогик талаблардан маслаҳат, илтимос ва таклифларга ўта бориш;

-ўқувчилар билан бўладиган иш муносабатларнинг ҳис-туйғуга ўта бошлаши;

-коммуникатив иш фаолиятининг доимо назоратда бўлиши;

-ўқувчига унинг ривожланишидаги ёрдамни инсоний ва маданий муносабатларни тарбиялаш орқали вужудга келтириш.

Ҳозирги замон илмий-техник инқилоб босқичининг характерли хусусиятларидан бири жамият ҳаётининг барча жабҳаларини компьютерлаштиришдан иборатлиги касбий ва шу қаторда педагогик фаолиятнинг таркибини кескин ўзгартиришни келтириб чиқаради. Таълим тизими барча бўғинларининг ахборот технологияларидан фойдаланиши

таълимнинг ахборотлашувида кундалик талабни келтириб чиқаради, бу эса, ўз навбатида, техника олий ўқув юртининг бўлажак касбий таълим ўқитувчисидан янги ахборотлар муҳитида бемалол ишлай олувчи кўникмаларни ўзлаштиришни талаб этади.

Умумлашган ҳолда ўқитувчи салоҳиятини оширишида унинг шахсига қўйиладиган асосий талаблар: **касбий билимдонлик, зиёилик, маънавий баркамоллик, ижодкорлик, маданиятлилик, қатъиятлилик, уддабуронлик.**

Ҳозирги даврда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кескин кучайганлиги учун ҳам ўқитувчига ва ҳам ўқувчига жуда катта ва турли-туман ахборот технологиялари билан ишлашга тўғри келганлигидан уларнинг асосийларини юксак билим ва ақл-идрок билан ажратиб олиш зарур. Шунинг учун ўқитувчилар меҳнати ва билимини ташкил қилиш учун қуйидагилар зарур:

1. Бўлажак педагогнинг биргина ахборот технологиялари муҳитида ишлашга тайёргарлигини ташкил этиш. Бу муаммони ахборот технологияларини билиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш маъносида қараш мумкин.

2. Педагогнинг фикрини жамлаш, вақтини тежаш ҳамда ўқитиш методикасини ташкил этишга имкон берувчи ягона ахборот тизимига яқинлаштириш.

3. Ахборот технологияларидан фойдаланиб таълим беришга тайёрланиш ва унга ўтиш. Бундай ўтиш ўқув курсларини ахборотли-компьютерли ҳолга ўтказишни кўзда тутати.

4. Бирлашган ахборот ҳажмидаги ўқув жараёнининг дастурий-методик таъминланишини тайёрлаш.

Шундай қилиб, университетнинг бўлажак педагоглари аниқ фанларни ўқитишда компьютердан фойдаланиш малакаларини ошириши ва билиши зарур.

Таълимдаги халқаро тенденцияларнинг, хусусан касбий педагогикадаги, таҳлили ўқитувчининг ҳам касбга оид ва ҳам шахсий сифатига нисбатан талабларнинг кескин ортишига олиб келмоқда:

А) таълим сифатининг ўқитувчи касбий билимдонлиги юқорилашиб бориши зарурлигини кўрсатади;

Б) ўқитувчиларга кўплаб илмий ва ижодий масалаларни қўйиш ва ечишларига тўғри келмоқда, бу эса ўқитувчининг илмий ва ижодий хусусиятлари ортиб боришига олиб келади. Шундай қилиб, келажак ўқитувчининг узлуксиз ижодий шахсга айланиши зарурлигини кўрсатади;

В) мураккаблашиб бораётган тарбия ўқитувчидан юқори даражадаги зиёиликни ва руҳий -маънавий хулқининг ортиб боришини талаб қилмоқда.

Г) ХХI аср ўқитувчидан ўқитиш ва тарбиянинг илғор технологияларидан ва аждодларимиз битикларидан доимо фойдалана боришини талаб қилмоқда.

2.9.Масофавий таълим технологияси ҳақида тушунча.

Табиийки, ахборот технологиялари жамият информацион ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг энг муҳим усулларида бўлиб қолмоқда. Модомики шундай экан, информацион муҳитга шахсий *компьютерларни* жорий қилиниши, *коммуникация* воситаларини қўлланилиши ахборот технологияси тарақиётида янги босқич ҳисобланади. Зеро шундай экан, ахборот технологиялари билан юксалаётган жамиятни бошқариш учун янгидан-янги мутахассис кадрлар тайёрлашни ҳам ҳаёт тақозо этмоқда.

Шуни назарда тутиб, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонун»и ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ушбу қонунларни амалга тадбиқ этиш, ўқитишнинг янги усуллари жорий этишни талаб этади. Ана шундай янгиликлардан бири, бу таълим тизимида **масофавий ўқитиш(МЎ) услубини** жорий қилишдир. Бундай усулда ўқитишнинг афзалликлари куйидагилардан иборат:

1. **МЎ** услуби–бу сиртқи ўқитишнинг янги шакли бўлиб, бундай усулда ўқитиш мустақил таълим олиш демакдир. Мустақил ўқиш эса, инсонни эркин фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, ҳулоса чиқариш ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

2. **МЎ** нинг афзаллиги - унда ўқувчи ўзига қулай вақтда ва хаттоки, меҳнат фаолиятдан ажралмаган ҳолда ўқиши мумкин.

3. **МЎ** нинг афзаллиги - унда ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни ўқувчи ихтиёрий пайтда ўқишни ўзи бошлайди. Ўқитув юкламаларини ўқитувчи назоратида ўзлаштиради (топшириқларни, тестларни ўз вақтида бажаришига қараб аниқланади ва ўқувчи берилган дастурни қанчалик жиддий ўзлаштиради, шунчалик тез ўқишни тугатади ва гувоҳнома (сертификат) олади).

4. **МЎ** ташкилий, иқтисодий афзалликларга ҳам эга. Бунда молиявий харажатлар асосан ўқув-услубий материалларни тайёрлаш ва махсус аудиториялар учун сарфланади. Ўқув-услубий материалларнинг сифати масофадан ўқитишнинг энг асосий омилларидан биридир. Чунки ўқув-услубий материал қанчалик тушунарли ва батафсил (услубий жихатдан пухта) бўлса, у ўқувчига фойдали бўлади.

5. Ана шуни назарда тутиб, *замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган* ҳолда ўқув-услубий материалларнинг электрон вариантларини ташкил этиш, уларни виртуал ҳолда ифодалаш устида ижодий ишлар олиб боришни жадаллаштирмоқ давр талаби бўлиб қолмоқда.

Масофавий ўқитиш-бу замонавий таълим бериш комплексини ўз ичига олади ва у:

- ✓ янги технологиялар ва
- ✓ Internet хизматидан фойдаланишни назарда тутадиган
- ✓ ўқитишнинг замонавий модели бўлиб,
- ✓ у реал вақтда амалга оширилади.

Масофавий ўқитиш –бу

- ✓ аудиториядан ташқарида,
- ✓ хозирги замон ахборот технологиялари,
- ✓ коммуникация технологиялари асосида,
- ✓ ўқувчи билан устоз ўртасидаги,
- ✓ жонли мулоқатсиз,
- ✓ мустақил равишда,
- ✓ ўқитиш жараёнини ташкил этиш демакдир.

3.Ижтимоий-иқтисодий масалалар

3.1. Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси аҳоли фаровонлиги ва оилаларнинг иқтисодий мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилгандир. Бу мақсадга эришишнинг асосий йўлларида бири оилада тадбиркорлик муҳитини шакллантириш асосида оилавий бизнесни йўлга қўйиш ҳисобланади. Чунки оилавий тадбиркорлик фаолиятини шаклланиши ва ривожланиши, унинг мамлакат миқёсида кенг ривож топиши, муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни, хусусан, оила даромадларининг кўпайиши, унинг аъзоларини иш билан таъминлаш масалаларини осонликча ҳал этиш имконини беради. Шу боис, уй хўжалиги шароитида оилавий бизнесни шакллантириш ҳамда ушбу соҳани тараққий эттириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, бугунги кунда оила даромадларини шакллантиришда хусусий тадбиркорлик асосий манбага айланиши, оилавий бизнесни ташкил этиш асосида хусусий мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминловчи асосий куч сифатида қарашни тақозо этмоқда. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйишга алоҳида эътибор қаратдилар. Мамлакатимизда бизнесни қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши, янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилишини таъкидладилар.¹

Маълумки, оилавий тадбиркорлик якка тадбиркорлик ва жамоа тадбиркорлиги ўртасида оралиқ бўғиндир. Оддий ва оилавий тадбиркорликда тадбиркор якка тартибда мулк эгаси ҳисобланади. Оилавий

¹ Каримов И.А. Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси.

тадбиркорлик деганда эса жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган иқтисодий фаолияти, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан эр-хотин ёхуд оила аъзоларининг биргаликда бевосита умумий мулкка, умумий мақсад ва манфаатларига бўлган интилишларидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.²

Демак, оилавий бизнес хусусий тадбиркорлик фаолиятининг оила кўламида амалга ошириладиган шакли бўлиб, эр-хотин ёки оилада ягона хўжалик асосида яшовчи эр-хотиндан бошқа шахслар (уларнинг ота-оналари, келин-куёвлари ва қарамоғидаги фарзандлари) иштирокида қонун ҳужжатларига мувофиқ, таваккалчилик асосида оилавий мулк жавобгарлиги остида даромад(фойда) олишга қаратилган иқтисодий фаолиятидир.

Оилавий бизнес-тадбиркорлик фаолиятининг ўзаро қон-қариндошлик алоқалари билан боғлиқ бўлган кишилар гуруҳи (асосан оила аъзолари) томонидан биргаликда юритишга асослангани шаклидир.

Бугунги кунда оилавий бизнесни шартли равишда икки кўринишга ажратиш мумкин: биринчиси, жаҳон амалиётида кўп йиллар давомида фаолият кўрсатиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган йирик компаниялар бўлса, иккинчиси, бозор муносабатлари тизимига ўтаётган мамлакатларда ташкил этилаётган оилавий корхоналарни киритиш мумкин. Улар бир-биридан кўлами жиҳатидан, яъни йирик ва кичик бизнесга ажратилади.

Ривожланган мамлакатларда бир ёки бир неча оила аъзоларининг ёхуд оилаларининг умумий мулккий манфаати ва мажбурияти остида ташкил этилган биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти-оилавий бизнес ҳисобланади.

Мамлакатимизда оилавий кичик бизнесни қарор топиши кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш билан бирга у бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган тадбиркор-мулкдорлар синфининг шаклланишига замин яратади. Оилавий бизнес мамоакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратади. Аҳолининг ёхуд оила аъзоларининг иш билан банд бўлмаган қисмини қисқартиради ва уларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, муайян меҳнат тури билан банд бўлишга жалб этади. Энг муҳими, оила аъзоларини биргаликда тадбиркорлик фаолияти-оилавий бизнес билан шуғулланишга ундайди. Шу туфайли оилавий кичик бизнесни ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи соҳа даражасига келтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Оилавий бизнеснинг миллий иқтисодиётдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

-оилавий кичик бизнес эркин бозор муносабатларини ривожлантириш, халқнинг тарихий анъанаси ва маҳоратини тиклашнинг энг қулай усулидир;

² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2006 йил, 35-бет.

- аҳолининг руҳий ҳолатини соғломлаштириш, боқимандалик кайфиятини йўқотиб, ўз даромади ва харажатларини сарҳисоб қилган ҳолда мустақил хўжалик юрита олиш қобилиятини тарбиялаш ;
- оилаларнинг турмуш фаровонлигини оширишнинг моддий асосини яратиш;
- оила аъзоларининг ўз –ўзини иш билан банд қила олиш,оила имкониятлари доирасида янги иш ўринларини яратиш;
- оилаларни бозор қоидаларига мос равишда даромад топиш учун шарт шaroит ҳозирлаш;
- ЯИМн яратишдаги улуши, йирик саноат корхоналари учун касаначилик фаолияти орқали маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорлик фаолият билан шуғулланиш.

Оилавий бизнес ишсизликни бартараф этишда муҳим омил ҳисобланади. У аҳолини даромад келтирувчи муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланишга, оила аъзоларини биргаликда ўз-ўзини иш билан таъминлашга ундайди. Оила хўжалигининг асосий ва қўшимча даромад олиш манбасига айланди.

Оилавий бизнесни ривожлантириш мамлакатда бандлик даражасини ошириш, оила кўламида янги иш жойларини яратиш, ҳар бир оилада мавжуд бўлган ишсизларни иш билан банд бўлиш имконини беради. Айниқса, қишлоқ ҳудудларида янги иш жойларини ташкил этиш, ёшларни иш билан банд этиш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оилавий бизнесда янги иш ўринларини яратиш бошқа соҳаларга қараганда анча арзон ва қулайлиги билан ажралиб туради. Турли мулкчилик шакллари асосида яратилган иш ўринларининг қиймати турлича бўлади. Шунинг учун энг қиммат иш ўринлари давлат ва аралаш мулкчилик шаклларида яратилса, энг арзон иш ўринлари эса хусусий секторда, айниқса, оилавий хўжаликларда ташкил этилади.

“Маълумки, иқтисодиётда арзон иш жойларини яратиш имконияти енгил бўлган соҳаларда аҳолининг бандлик даражасини ўсиши тез кузатилади. Шу сабабдан, янги ташкил этилаётган иш жойларининг аксарият қисми кичик ва хусусий бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Таъкидлаш жоизки, 2011 йилда янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик в фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш ҳисобига, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилган.”³

Оилавий бизнеснинг муҳим жиҳати бу- унинг меърос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтишидир. Оила бизнеси ота-онадан фарзандларга берилганда

³ Каримов И.А. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган “2012 йил-Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

уларни муайян касбкорликка ўқитиш ва ишга жойлаштириш масалалари осонликча ҳал этилади.

Оилавий бизнес Ўзбекистонда қадимдан миллий хунармандчилик кўринишида шаклланган ва ривожланиб келган. Бозор муносабатларига ўтиш, мулк шакллариининг ўзгариши ва хилма-хиллашуви, меҳнатга янгича муносабатларнинг қарор топиши, тадбиркорлик фаолияти орқали моддий манфаатдорликнинг ошиши бу соҳага янгидан ёндашишни, уни ҳар томонлама ривожлантириш зарур эканлигини талаб этмоқда. Бугунги кунда оилавий бизнеснинг бундай анъанавий кўриниши тиклана бошлади. Оилавий мулк негизида оила аъзолари меҳнатига ва ёлланма ишчи кучига меҳнатига таяниб оилваий бизнесни ташкил этмоқдаларки, улар оилавий корхоналар, хонадан цехлари, оилавий тадбиркорлик, микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари деб юритилмоқда.

Оилавий кичик бизнесни ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда унинг бир қанча афзалликларини ажратиб ўтиш мумкин:

- оила аъзолари ва қариндошларни умумий мақсад ва оилага бўлган садоқати асосида фаолият юритишлари (ғарб мамлакатларида бунини “оиланинг қариндошлик руҳи” деб аташади);
- оиладаги мустаҳкам қариндошлик алоқаларни мавжуд бўлиши бизнесни юритишнинг бошқа шаклларида ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги жараёнларга нисбатан енгил кечади, чунки бу муносабатлар оилада азалдан шаклланган бўлади;
- оилавий бизнесни кейинги авлодга мерос бўлиши ўтиши;
- мулкый муносабатларда зиддиятларнинг мавжуд бўлмаслиги, яъни бир оила мулкига таяниши;
- бизнесни ўзаро ишонч асосида ташкил этилиши ;
- оилавий бизнеснинг ҳар бир иштирокчисида умумий мақсадга эришишнинг кучли мотивациясини мавжуд бўлиши;
- иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда муаммоларнинг йўқлиги, яъни бир оилага мансуб оила аъзоларининг иштирок этиши;
- тадбиркорлик фаолияти ёки меҳнат маҳсулидан олинадиган манфаатдорликнинг бир хиллиги ва умумийлиги;
- тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қарорларни оила аъзолари билан биргаликда қабул қилиниши, унинг тезлиги ва ихчамлиги;
- доимий ўзгариб турувчи бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда оилавий хўжалик фаолиятини тез ўзгартирилиши;
- оилавий фаолиятни ва ишлаб чиқариш жараёнини оила кўламида осон назорат этиш ҳамда таҳлил қилиш имкониятининг мавжудлиги;
- ахборотларни тўғридан-тўғри етказиш ва оила аъзолари ўртасида тез ўзлаштириш, юз бераётган ўзгаришларга тез таъсир кўрсатиш;
- тадбиркорлик фаолиятини юритишда ўзаро оилавий муносабатларни мавжудлиги.

Оила хўжалиги микроиқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида мустақил равишда бошқарилишни талаб қилади. Ушбу бошқаришнинг афзалликлардан бири бошқаришда маъмурий буйруқбозликдан ҳоли бўлади.

Оилавий тадбиркорлик-оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади ва бошқарувга оила аъзоларининг ҳаммаси иштирок этади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқӣ шакли оилавий корхонадир. **Оилавий корхона** унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.⁴ Оилавий корхона иштирокчилари ўзларининг фаровонлигини ўйлаб, бошқаришнинг энг самарали ва қулай йўллари ҳаммаси ахтаради. Масалан, оила тадбиркорлиги қишлоқ хўжалигига қаратилган бўлса, ундаги табиатнинг таъсири бир хил андозада иш юритишни тан олмайди. У ердаги қуёшли кун ўрнига ёмғир, оддий осойишта кун ўрнига шамол, сокин ёмғир ўрнига жала қуйиши, намгарчилик ўрнига қурғоқчилик бўлиши мумкин. Бундай ҳолатдан тезлик билан чиқиш, моддий йўқотишларнинг олдини олиш учун оила аъзоларининг ҳаммаси киришади. Оила хўжалиги тадбиркорлигида юқоридан келадиган буйруқни кутиб ўтирилмайди. Бундай ҳолатдан тезлик билан чиқиш, моддий йўқотишларнинг олдини олиш учун оила аъзоларининг ҳаммаси киришади. Оила хўжалиги тадбиркорлигида юқоридан келадиган буйруқни кутиб ўтирилмайди. Бундай ҳолда оила аъзолари бевосита ва тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва уларни амалга оширади. Оқибатда кўриладиган зарарнинг миқдори камаяди. Маъмурий буйруқбозликнинг яна бир томони шундаки, жойларда аниқ ҳолатларда оғир вазиятдан қандай чиқиш йўллари тажрибада синалган бўлишига қарамасдан, кабинетда ишлаб чиқилган қарорни бажаришга мажбур қилади. Оқибатда меҳнат қиладиган кишининг меҳнат қилишдан “қўли совийди”. Бундай салбий таъсирлар оила хўжалиги тадбиркорлигида объектив равишда олиб ташланади. Оқибатда вақт ўтиши билан маъмурий буйруқбозлик шароитидаги лоқайдлик ўрнига одамлар руҳиятида ташаббускорлик шаклланиб боради. Бефарқлик ўрнида масъулиятнинг ошиб бориш ҳоллари ҳам рўй беради.

Демак, оила тадбиркорлиги орқали бозор муносабатлари шароитида мазмун жиҳатидан янги бошқарув тизими шаклланиши учун объектив шароитга зарурат вужудга келади. Бу нималардан иборат?

1. Маъмурий буйруқбозлик шароитида бошқарув буруққа асосланган бўлса, оила тадбиркорлигини бошқариш оила аъзолари ўртасида маслаҳат кенгаш характериға эға бўлади. Бу ерда ҳар бир киши ўз

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни.

фикрини олға суриши, самарали йўлларни ахтариб топиши ва таклиф қилиши мумкин. Оилавий тадбиркорлик бировнинг буйруғини эмас, балки ўзининг таклифини бажаради.

2. Маъмурий буйруқбозлик шароитига нисбатан оилавий тадбиркорликни бошқаришда одамларнинг ишга муносабати тубдан ўзгарди. Олдин бировнинг буйруғини, кўргазмасини бажарса, оила тадбиркорлигида бевосита ўзининг таклифи ва тавсиясини бажаради. Бу эса одамларнинг ўз ишига ижодий ёндашиш руҳиятини уйғотади ва шакллантиради.
3. Маъмурий буйруқбозлик шароитида тўғрими ёки нотўғрими буйруқни албатта бажариш лозимдир. Оилавий тадбиркорликни бошқаришда қабул қилинган қарор нотўғри бўлса уни бажариш жараёнида тўғрилаб тегишли ўзгартиришлар киритиб кетавериши мумкин. Бундай самарали иш натижаси учун меҳнат қилган киши рағбатлантирилади. Маъмурий буйруқбозликда рағбатлантириш фақат режанинг бажарилишига қараб амалга оширилар экан. Агар иш натижаси яхши бўлса-да буйруқдагидек чиқмаса ходимлар албатта жазоланар эди. Демак, оилавий тадбиркорликда бошқаришда ташаббускорлик ва изланувчанлик объектив жараёнга айланади. Ўзлари ишлаб чиққан режани бажариш жараёнида ҳам ушбу жиҳатлар асосий тамойилга айланади.
4. Оилавий тадбиркорликни бошқаришда тўла мустақиллик билан бирга катта масъулият ҳам мавжуд бўлади. Олдин нотўғри бошқарув оқибатида келтирилган зарар кўп ҳолларда давлат ҳисобидан ёки жамоанинг зиммасидан қопланса, энди бундай зарарлар бевосита оила зиммасига тушади. Энди бу зарарларни ҳеч ким қопламайди. Шу туфайли фойда ҳам, зарар ҳам оиланики бўлади. Бу эса оила аъзоларида меҳнат қилиш жараёнида тежамкорлик руҳиятини шакллантиради.
5. Маъмурий буйруқбозлик шароитида бошқарув қарорини қабул қилган одам, уни бажаришда бевосита иштирок этмайди. Оила тадбиркорлигида бошқарув қарорини қабул қилган одамлар уни бевосита ўз меҳнатлари билан амалга оширадilar. Бундай ҳолатда меҳнаткашларда ўзини ўзи бошқариш руҳияти шаклланади. Меҳнаткашнинг бошқарувга иштирок этиши унинг ўз ишига ижодий ёндашиши учун объектив зарурат туғдиради. Булар эса ўз навбатида ҳар бир одамни ўз ишига ўта масъулият, жавобгарлик, билимдонлик билан ёндашишини талаб қилади. Оқибата одамлардан фан ва техника ютуқларини қўллашга, уларни билишга қизиқиш уйғотади. Одамлар руҳияти сифат жиҳатидан ўзгарабошлайди. Уларда илмга чанқоқлик ҳисси уйғонади.
6. Оилавий тадбиркорликда эса раҳбар табиий ҳолатда, объектив қобилятга қараб танланади ва тайинланади. Лекин раҳбар ҳам бошқа меҳнат қилувчилар ҳам (чунки улар бир оила аъзолари) тадбиркорликни бошқаришда ва шу бошқариладиган ишни бажаришда

деярли бир хил масъулият ва жавобгарликка эга бўлади. Хуллас, оиланинг иши натижасидан, уларнинг бевосита моддий манфаатдорлиги ошади. Оила аъзоларида фақат мулкка эгалик эмас, балки ишга ҳам, унинг натижасига ҳам эгалик қилиш руҳияти шаклланади. Бу эса одамларнинг ички имкониятларини, исёододини ишга солишда қўшимча капитал, пул маблағи талаб қилмайдиган омил сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, оила тадбиркорлиги, уни бошқариш нуқтаи назаридан ҳам жиҳатидан янги мазмунга эга бўлар экан. Энг муҳими, одамларда бозор муносабатларига мос равишда, мулкка эгалик қилиш, уни кўпайтириш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш, моддий ва молиявий манфаатдорликка эришиш руҳияти шаклланади. Бу руҳиятга боқимандалик бутунлай ёт. Демак, оилавий тадбиркорлик бутун иқтисодийётнинг юксалиши учун ҳам муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, оилавий тадбиркорликни бошқариш, унинг барча жиҳатларини мустақил ва объектив равишда тартибга солиб турар экан. Бу жиҳатларга, энг аввало, оилавий тадбиркорликнинг ички тузилиши киради. Оилада ҳар бирининг касби ва қобилиятига қараб ким нима билан шуғулланишини ўзлари ҳал қилади. Иккинчидан, бевосита иқтисодий жараёни, яъни тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уни назорат қилади ва натижасини баҳолаб боради. Учинчидан, оила аъзоларининг меҳнат ҳақини тўлашни ҳам келишиб олади. Буни бўнак тариқасида беришми, ёки ҳар бирининг заруриятига қараб ажратишми, ёки охирги натижа бўйича тақисмлашми, барча масалалар мустақил равишда ҳал қилинади. Нима бўлган тақдирда ҳам, шу нарса аёнки, меҳнатнинг натижасидан келган барча даромад шу оилага тегишли бўлади. Тўртинчидан, оилавий тадбиркорликда иштирок этиш ҳар бир оила аъзосини қаттиқ интизомга риоя қилишга, бир-бирини алдамасликка, оила шаъни учун қуришишига, ишнинг натижаси яхши бўлишига ундайди ва шу орқали яратилаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши учун қурашадиган руҳият шаклланади ва авлодларни ҳам шу руҳиятда тарбиялайди. Пировардида тадбиркорлик бўйича оилавий анъана шаклланади. Шундай қилиб, сифат жиҳатидан янги мазмунга, руҳиятга эга бўлган авлод вужудга келади. Бу авлод Ўзбекистоннинг келажагидир.

Демак, оилавий бизнес демократик фуқаролик жамиятининг асоси бўлиб, сармоя ҳам, ёлланма ишчилар ҳам эмас, балки ўзининг ўртача даромадларига эга бўлган хусусий иқтидорли, шахсий иши ҳисобига ўз оиласи қолаверса, ўзининг ва оила аъзоларининг муносиб ҳаётини таъминлашга қодир тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади.

3.2. Иқтисодийётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорлик-аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали воситаси .

Аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишнинг самарали воситаларидан бири- оилавий тадбиркорликни ҳар тарафлама ривожлантиришдир. Тадбиркорликнинг бу тури янги иш жойлари яратиш учун катта маблағ талаб этмайди, шу билан бирга иш билан бандликнинг эгилувчан шаклларида в кенг фойдаланиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун “бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзапга келган миллий анъаналаримизга, ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унин жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади”⁵ деб алоҳида уқтирган.

Бугунги кунда оилавий бизнес-тадбиркорликнинг жаҳонда энг оммавий тури ҳисобланади. Жумладан, АҚШда оливаий фирмалар сони 15,0 млн.ни ташкил этади. Швецияда ишга лаёқатли аҳолининг 60,0 % оилавий тадбиркорлик билан банд. Лондон иқтисодиёт мактаби экспертларининг фикрига кўра, оилавий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлиги бошқа корхонадагиларга нисбатан 10,0-12,0 % юқори бўлади.

Оилавий бизнес жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида ҳам ўзининг самарадорлигини кўрсатди. “Pricewaterhouse Coopers” (PWC) компанияси томонидан ўтказилган биринчи халқаро тадқиқотдан сўнг ўз оилавий фирмаларининг фойдаси камайди деб ҳисоблаганлар сони 15,0 % дан 2010-2011 йиллардаги иккинчи халқаро тадқиқотда 35,0 % га етди. Шу билан бирга ўз оилавий бизнеслари учун капитал харажатлар ҳамда фойда олиш кўпайди деб ҳисоблаётганлар сони тегишли равишда 50,0 % дан 32,0 % га ва 57,0 % дан 42,0 % га пасайди.

Шу билан бир қаторда глобал инқироздан кейин ишлари юришиб кетган оилавий фирмалар сони кескин ортаётганлигини кузатиш мумкин. PWC тадқиқотлари яқунига кўра, оилавий фирмалар раҳбарларидан 48,0 % 2010 йилда улар маҳсулотлари ва хизматларига талаб ортганлигини, яна 16,0 % тадбиркорла эса бу кескин ортганлигини кўрсатганлар. Фирмалар раҳбарларининг 67,0% ўз бизнеслари оилавий бўлганлиги учунгина глобал инқироз оқибатларини бартараф этиш осон кечганлигини таъкидлаганлар. Бундай раҳбарларнинг 95,0 % эса оилавий тадбиркорлик бозорда тармоқ етакчилари билан баб-баравар рақобат қилиш имконини бераётганлигини билдирганлар.

Ҳақиқатдан ҳам оилавий бизнеснинг афзалликлари кўп. Жумладан у:

⁵ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. \ Халқ сўзи, 2010 13 ноябрь.


- иш берувчилар томонидан аҳолининг кўп ҳолларда фойдаланмайдиган тоифалари-пенсионерлар, талаба ёшлар, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш имконини беради;
- оилавий тадбиркорлик иштирокчиларининг жамоавий ижтимоий маъсулиятни кучайтиради, оила маркази нуфузини қадрлаш ва оширишга ундайди;
- оила аъзоларининг ўз меҳнат пировард натижалари учун манфаатдорлигига асосланган, тадбиркорликнинг бу турини фарзандлар тарбияси ва уй меҳнати билан икўшиб оли бориш имконияти мавжуд;
- жамиятда ижтимоий-вазиратни барқарорлаштиришга хизмат қилади, келажакка йўналтирилган амалий муҳитни шакллантиради.

Шунинг учун ҳам БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилоти оилавий тадбиркорликни камбағалликка қарши курашнинг стратегик йўналиши сифатида эътироф этган. Халқаро меҳнат ташкилотининг 2003 йилда бўлиб ўтган 91-сессиясида “Меҳнат қашшоқликка қарши кураш воситаси сифатида” резолюцияси қабул қилинган. Унда ривожланаётган мамлакатларда “ишлаб чиқариш корхонаси-кўп ҳолларда оиланинг уч авлоди биргаликда меҳнат қила оладиган ва иш ҳақларини жамлаш имкониятларига эга бўлган оилавий тадбиркорликдир” деб қайд қилинган.

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва кенгайтириш юзасидан махсус қарор қабул қилинган.⁶ Мазкур Қарор билан тасдиқланган “Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги Низом”да оилавий тадбиркорлик эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган, уларнинг умумий негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти” эканлиги кўрсатилган.

Оилавий тадбиркорликда иштирок этадиган оила аъзолари-эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар учун ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан фарзандликка олинган болалар ҳисобланади. Оилавий тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадни тақсимлаш масалалари улар томонидан мустақил равишда тартибга солиб борилади (3.2.1-расм).

⁶ Ўзбекистон Рес. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 29 июлдаги “Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятининг ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сон қарори



3.2.1-расм Оилавий тадбиркорлик принциплари

“Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги Низом” да вояга етмаган оила аъзоларининг меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор берилган. Хусусан:

- оила аъзоси 15 ёшга тўлган тақдирда оилавий тадбиркорликда қатнашиши мумкин;
- 18 ёшгача бўлган шахс оилавий тадбиркорликда ишлашга умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда албатта ўқиши шarti билан қўйилади;
- 18 ёшдан кичик шахсларнинг меҳнатидан оилавий тадбиркорликда уларнинг саломатлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда фойдаланирш таъқиқланади. Кўрсатиб ўтилган ишларда 18 ёшдан кичик шахсларнинг белгиланган нормалардан ортиқча оғирликдаги юкларни кўтаришига ва ташишига йўл қўйилмайди;
- оилавий тадбиркорликда қатнашаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун бир ҳафтада кўпи билан 36 соатлик, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса-бир ҳафтада кўпи билан 24 соатлик иш вақти белгиланади.

Оилавий тадбиркорлик турлари кўп. Жумладан бу:

- кичик улгуржи ва чакана савдо;
- умумий овқатланиш, ресторан бизнеси;
- меҳмонхона хизмати кўрсатиш;
- фермерчилик;

-маиший хизмат кўрсатиш (кимёвий тозалаш, кир ювиш, тикувчилик, сартарошхона, турли маиший буюмлар, пойафзал таъмирлаш, сурат ва видеога олиш ва ҳоказолар);

-транспорт хизмати кўрсатиш;

-маданий-маиший буюмлар прокати;

-турар жойлар қуриш ва уларни таъмирлаш;

- Интернет хизматлари ва бошқалар.

Қашқадарё вилоятида ҳам оилавий тадбиркорлик тобора ривожланиб бормоқда. Вилоятда 2006 йилда шу ҳисобга 3089 оила аъзолари иш билан таъминланган бўлса, 2012 йилга келиб уларнинг сони салкам уч бараварга кўпайди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда маҳалланинг ролини алоҳида таъкидлаш зарур. Аслида тадбиркорлик фаолияти оиладан, яъни ўзи истиқомат қиладиган маҳалладан бошланади. Оилавий тадбиркорликни кенг ривожлантиришдан маҳалла манфаатдор. Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган тадбиркорлар шу ҳудудда истиқомат қиладиган бошқа фуқароларнинг ижтимоий манфаатлари учун ҳам хизмат қиладилар.

Шунинг учун чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби соҳаларда шуғулланаётган оилавий тадбиркорларга 1.8 млн. сўмгача кредит ажратилишида маҳалла кафиллик масъулиятини ўз зиммасига олмоқда.

Оилавий бизнесни хусусий тадбиркорлик фаолиятидан фарқлай олиш керак. Тўғри, ҳозирги вақтга қадар оилавий бизнес мамлакатда асосан якка тадбиркорлик, хусусий корхона ёки маъсулияти чекланган жамият шаклида ривожланиб келди. Бундай шаклдаги тадбиркорлик фаолияти оила бошқа аъзоларининг бизнесда фаол иштирок этишларини назарда тутса ҳам, уларнинг ҳоҳиш-истаги, манфаатлари ҳамиша ҳисбга олинавермайди. Бу оилавий тадбиркорликнинг мукаммал ҳуқуқий асослари шакллантирилмаганлиги билан изоҳланади.

Якка тартибдаги тадбиркорликда тадбиркорнинг ўзи ҳам менежер, ҳам ходим, ҳам юридик субъект ҳисобланади. Тадбиркорликнинг бундай тузилмасида тадбиркорнинг ҳуқуқий мақоми оила бизнесидан фарқли равишда оила бошқа аъзолари билан бир хил бўлмайди. Бу ва бошқа муаммолар оилавий тадбиркорлик ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш заруратидан далолат бермоқда.

3.3. Хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжаликларида мулкӣ таъминланганлик ва тадбиркорлик даромадларининг шаклланиши

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида оилалар ўз мулки ҳисобидан даромадларини кўпайтириш мақсадида фаол фойдаланишга интилиши ҳаётӣ заруриятга айланмоқда. Бироқ, оила хўжалиги ихтиёридаги мавжуд мулкдан даромад олиш мақсадида фойдаланиш ҳамиша ҳам муваффақиятли кечавермайди.

Оилалар иқтисодий ахволи, бандлик ва оила даромади кўп жihatдан умумий макроиқтисодий муҳитга ҳам боғлиқ деб ўйлаймиз. Чунки ислохотлар давомида республикаимиздаги макроиқтисодий вазиятнинг динамик ўзгариб бориши, оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятига жалб этилиши шарт-шароитларини ҳам ўзгартириб бормоқда. Умуман олганда, ҳозирги пайтда макроиқтисодий муҳит ўтган йиллардагига нисбатан бизнес юритиш учун анча қулайлашди, инфляция суръатини пасайтириш ва уни 2006 йилда 6,8 % га олиб келиш имконини берди.

Ўзбекистонда оила хўжаликларида мавжуд мулкларнинг умумий қиймати экспертлар томонидан тахминан 35 млрд. АҚШ доллариға тенг, деб баҳоланган. Бу мулклар таркибида оила хўжаликларининг шахсий уй-жойлари салмоқли ўрин эгаллайди (1.1-жадвал). Республикаимизда деярли барча оилалар шахсий уй-жойларига эга. Бироқ, уларнинг ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги мулклари ўта кичик (1.2-жадвал). Ҳозирги иқтисодий вазият асосий эътиборни мулкни тадбиркорликка инвестициялашга қаратишни талаб этмоқда.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, оила хўжаликлари асосан даромад келтирмайдиган активлар билан таъминланиши юқори бўлган. Даромад келтирадиган мулклардан бири шахсий томорқаси 83,2 % аҳолида мавжуд, йирик шохли моллар аҳолининг 47,7 %да бор холос. Юк ва енгил автомашиналар кузатилган оилаларнинг 9,0 %дагина мавжуд. Кўриниб турибдики, оилалар мулкларининг асосий қисмини даромад келтирмайдиган мулклар ташкил этади.

1.1-жадвал.

Кузатилган оила хўжаликларининг мулкий таъминланганлик даражаси

Т/Р	Мулк турларини ифодаловчи кўрсаткичлар	Оила хўжаликлари сони, та	Таъминланганик даражаси, % да
1	Уй - жой ёки квартира	1095	97,6
2	Томорқа участкаси	934	83,2
3	Йирик шохли қорамол	536	47,7
4	Юк ва енгил автомобиллар	101	9,0

Манба: 2013 йилда Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси томонидан кузатилган оила хўжаликлари маълумотлари асосида тузилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, оила мулки таркибида улуши энг баланд (97,6 %) бўлган уй-жой ресурсларидан кам фойдаланилмоқда. Бунинг

асосий сабабларидан бири бизнес учун мослашмаган уй-жойлардан фойдаланиш имкониятлари унча кўп эмас. Шаҳардаги квартиралардан фақат ижарага бериш ёки савдо нуқталарини очиш мумкин холос. Оила мулкнинг қолган қисмидан фақат даромад олиш мумкин бўлган мулк турларидан, яъни транспорт воситалари билан аҳолига ҳизмат кўрсатишда кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, уйда боқиладиган парранда ва чорва молларига жалб қилинган маблағлар ҳам оилаларга пул даромади келтиряпти.

1.1-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, оилаларга даромад келтирмайдиган мулкларга энг аввало унинг кучмас мулки (уй-жой ва бошқа иншоотлар) тўғри келмоқда. Агар у оила эҳтиёжидан ортиқча бўлмаса, албатта, уни ижарага бериб булмайди. Фақат оила аъзоларининг фойдаланиши эса, оилага даромад келтирмайди. Бу каби мулкларга телевизор, совуткичлар ва бошқа маиший техника буюмлари киради. Чунки булар оила учун даромад манбаи сифатида ишлатилмайди.

1.2- жадвал

Оила хўжаликларининг узок муддатли фойдаланиш воситалари билан таъмииланганлиги

Т/Р	Воситалар номи	Оила хўжалиги сони	%да
1	Музлаткичлар	491	43,8
2	кир ювиш машиналари	240	21,4
3	Чангютгич	54	4,8
4	Радиоалокалар	52	4,7
5	рангли телевизор	517	46,1
6	оқ-қора телевизор	578	51,5
7	Магнитофон	253	22,6
8	видеомагнитофон	109	9,7
9	видео камера	47	0,6
10	фотоаппарат	47	4,2
11	велосипед	127	11,3
12	спутникли антена	11	1
13	тикиш машинаси	465	41,4
14	шахсий компьютер	822	73,2

Манба: 2013 йилда Қашқадарё вилоят статистика бошкармаси томонидан кузатилган оила хўжаликлари маълумотлари асосида тузилган.

Оғзаки сўровларга кўра, оиладаги мулкдан даромад олишга уринган оилаларнинг аксарияти ўз фаолиятларини муваффақиятли деб ҳисоблашади. Бундан ташқари, ўз мулкни капиталга айлантиришни истаган оилаларнинг 50 фоизи бунинг учун маблағга муҳтож эмаслигини таъкидладилар. Шунга қарамай, кўпгина оилалар ўз мулкдан ҳалигача тўғри фойдаланишмаяпти. Бу қулай макроиктисодий муҳит оилаларга ўз мулкларидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш имконини берамаяпти. Сўралган оилалар ичида оила ресурслари базасида оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш истагида бўлганлар буни амалга оширганларга қараганда икки барабар кўпни ташкил қилади. Бундан кўринадики, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омилдир. Чунки оилаларнинг кўпчилиги бунинг учун етарли молиявий манбага эга эмаслигини маълум қилишади. Бунинг далили сифатида ўтказилган сўровларга кўра, тадбиркорликни фаолиятини бошламоқчи бўлган оила камида 1,5-2 млн. сўм маблағ жалб қилиши керак бўлади. Жамғарма шаклидаги бундай маблағга сўралган оилаларнинг 60-70 фоизи эга холос, 30-40 фоиз оилалар эса умуман жамғармаларга эга эмас. Демак, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда микрокредит уюшмаларининг ролини ошириш талаб этилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мавқеини тўғри англаган ҳолда, шу соҳани молиявий қўллаб-қувватлашда 2006 йилнинг сентябр ойида амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунлари ва Адлия вазирлигида 2002 йил 3 июнда 1146-рақам билан давлат рўйхатига олинган “Тижорат банклари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомларнинг аҳамияти катта бўлди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар оилавий тадбиркорлик субъектларини банклардан имтиёзли кредитлар олиш жараёнини соддалаштиришга ва осонлаштиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2014 йил якунига кўра маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 500 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.[40]

Шунингдек, сўнгги йилларда республикамізда халқаро молия институтлари ёрдамида оилаларни гуруҳли молиялаш каби уларнинг тадбиркорлик фаолиятларига молиявий кўмак берувчи ёрдам шакллари ҳам ривожланипти. Ўтган қисқа вақт ичида мамлакатда 14 та кредит уюшмалари ташкил этилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кичик бизнесни тўлиқ ривожлантириш

Япония-Ўзбекистон дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 201-сонли қарорига асосан, кичик бизнесни тўлиқ ривожлантириш Япония-Ўзбекистон дастурини амалга ошириш учун икки босқичда 20,0 млн. АҚШ долларида жами 40,0 АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси очилган.

Ушбу меъёрий ҳужжатларга кўра, ҳар бир имтиёзли кредит турлари алоҳида - алоҳида мақсадлар учун ва алоҳида шартлар асосида ажратилади. Хусусан: оилавий тадбиркорлик субъекти имтиёзли кредит (микрокредит) олиш учун оиланинг камида битта аъзоси ижтимоий суғурта жамғармасига ва пенсия жамғармасига мажбурий бадалларни ўтказиб бораётган бўлиши лозим.

Оилавий тадбиркорликка бериладиган кредитлар энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорда қуйидаги:

- чорва моллари, парранда, ем ва ҳашак, минерал ўғитлар, уруғликлар, кўчатлар сотиб олишга;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун иссиқхоналар қуриш ва жихозлашга;
- хунармандчилик фаолияти, халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган кичик ускуналар, асбоблар, хом ашё материаллари, ярим таёр маҳсулотлар сотиб олишга;
- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ мақсадларга берилади.

Оилавий тадбиркорликка микрокредитлар 2 йилгача муддатга қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз, жисмоний ёки юридик шахсларнинг кафолат хатлари ёки мулкани гаровга қўйиш шarti билан бериляпти.

Оилавий тадбиркорликка бериладиган микрокредитнинг 50 фоизи чорва моллари, парранда, омехта ем, уруғлик ва кўчат, ускуна ва материалларни жисмоний шахслардан сотиб олиш учун нақд пулда ҳам берилиши мумкин. Микрокредитнинг нақд пулда берилган қисми нақд пулда қайтарилиши лозим. Микрокредитни қайтаришнинг имтиёзли даври 6 ойни ташкил этади.

Ҳозирги кунда ҳам микромолиялаштириш кўп мамлакатларда қуйидаги инструмент сифатида фойдаланилади:

- кам таъминланган оилаларни қўллаш;
- оммавий молия манбааларга мурожаат қилишга имконияти йўқ бўлган микрокорхоналарга молия - кредит хизматлари кўрсатиш;
- кичик бизнесни қўллаб - қувватлаш.

Бизнинг фикримизча, оила - молия институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- оила хўжалиқларининг ресурсларини уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятларига жалб этишни кучайтиришга йуналтирилган сиёсатни амалга ошириш билан бирга кредит тизимини ривожлантириш;
- оилавий тадбиркорликни ривожланиши учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида тадбиркорлик ва мулкчилик ҳуқуқларига оид тўпламлар яратиш

хамда, гаровга қўйилган мулк ёки оила активларини сотиб олиш ҳуқуқига қаттиқ амал қилишни таъминлаш;

- ёш оилаларнинг кредитлар олиш имкониятларини янада кенгайтиришга кўмаклашиш зарур. Бу эса оиланинг мулкый таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Бундай чора-тадбирларнинг амалда қўлланилиши, оилада тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улушини ошириш, турмуш даражаси ва ижтимоий мақомини ўзгартириш имкониятларини яратиб беради.

Ҳозирги даврнинг яна бир муҳим белгиси-бу тадбиркорлик даромадининг оила ялпи даромадидаги ҳиссасининг узлуксиз ошиб боришидир. “Аҳолининг даромадлари ошибгина қолмай, уларнинг манбалари ҳам ўзгармоқда. Барча даромадларнинг қарийб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятдан тушмоқда”.[8]

Келажакда ҳар бир оила эҳтиёжининг камида 50 фоизини айнан шу фаолият ҳисобига қопланишига эришиш лозим бўлишига эришиш бизнинг бош ғоямиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосан 3 муҳим вазифани бажаришга қаратилган бўлиши кераклиги алоҳида қайд қилинди.

Биринчидан, яқин 5-10 йилда уларнинг мамлакат *ЯИМ* даги улуши 50-60 % га кўтарилиши лозим;


Иккинчидан, улар аҳоли даромадларининг асосий манбаига айланишлари керак;

Учинчидан, улар кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантириши, мамлакатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорликни таъминловчи асосий куч эканлигини эсдан чиқариш керак эмас.

Бизга маълумки, кичик тадбиркорлик фаолиятини юритиш мамлакатдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш энг аввало оилалар даромадини кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ даромадлар - мулк, тадбиркорлик, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва турли хил хизматлар кўрсатиш ҳисобига олинган даромадлардан ташкил топади. Бугунги кунда оила даромадлари таркибида ушбу фаолият ҳисобидан қилинган даромадлар ҳиссаси узлуксиз ошиб бормоқда. Агар, республикамиз оилаларининг тадбиркорлик фаолияти натижасида олаётган даромадларига эътибор берсак у қуйидагича эканлигини кўришимиз мумкин (1.1- расм).

Оилавий тадбиркорлик тўғрисида қонуннинг 16-моддасида фаолиятни амалга оширадиган жойларни яшаш жойига айлантириш талаб қилинмаслиги ҳам ушбу масалага ёрдам беради [8].




**1.1-расм. Оила хўжалигида тадбиркорлик даромадлари динаимкаси.
(фоиз ҳисобида)**

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ даромадлар оила даромадлари таркибида йилдан-йилга кўпроқ улушга эга бўлмоқда. Умум ҳисобда, бу манбалардан олинаётган даромад иш ҳақидан кўпроқ, бу эса бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси билан изохланади.

Оила даромадлари таркибида салмокли ўрин тутадиган манбалардан яна бири бу томорқа хўжалигидир. Томорқа, бозор муносабатлари шароитида, айниқса қишлоқ оиласининг муҳим даромад манбаи ҳисобланади ва шу билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўз хиссасини кўшади. Бу даромад турли оилаларда ҳар хил бўлиши турган гап, чунки улар томорқа билан ҳар хил даражада шуғулланишади.

Хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оилаларда даромадларининг ташкил топиш манбааларини таҳлил қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг турли ҳудудларидан 135 та хизмат кўрсатувчи оиланинг танланма кузатуви олиб борилди. Булар қуйидаги хизмат соҳалари бўйича олиб борилди: савдо хизматлари (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторанлар); миллий ҳунармандчилик ва таъмирлаш устахоналари; компьютер ва ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмаҳона ва уяли алоқага уланиш каби хизмат турлари); транспорт хизматлари (юк ташиш ва аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш); сартарошхона ва гўзаллик салонлари (келинлик либослари ва тўй ускуналарини ижарага бериш ва б.). Кузатилган оилаларнинг ўртача таркиби 4,3 кишини ташкил этди. Кузатилган оила хўжалиги даромадларининг 2013 йил март ойидаги таркибий тузилишини 1.4-расмда кўриш мумкин.



1.2- расм. Кузатилган оилаларда даромадларнинг улуши, (%)

Ушбу расм маълумотларидан кўриниб турибдики, хизмат соҳасида банд бўлган оила хўжаликларининг пул даромадида 11,8 фоизини меҳнат ҳақи олиш билан олинадган даромадларга тўғри келмоқда. Оила хўжалигининг ижтимоий тўловлар ҳисобига олган даромадлари 3,9 фоизга тўғри келади. Оила хўжалиги даромадларининг анча қисмини тадбиркорлик (мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва бошқа турли хил хизматлар) ҳисобига олган даромадлари ташкил этади. Умуман оила хўжалиги даромадининг 84,3 фоизи шу йўл билан олинган даромадларга тўғри келади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, оиларнинг моддий жиҳатдан фаровонлиги кўп жиҳатдан тадбиркорлик фаолияти ҳисобига олинадиган даромадларга боғлиқ бўлади. Шундай экан унинг улуши йилдан-йилга ўсиб бориши лозим.

Оила хўжалиги харажатларининг таҳлили ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга. Харажатлар ҳам даромадлар сингари турлича бўлиб, улардан энг салмоқлиси оиланинг истеъмол харажатларидир. Бу харажатлар таркиби йилдан йилга ўзгариб бормоқда.

Маълумотларнинг кўрсатишича, оила харажатларининг салмоқли қисми озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга сарфланган. Унинг улуши 2011 йилда ўртача ойлик 90,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда 87,1 фоизни ташкил этган. Аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бориши билан бу кўрсаткичнинг миқдори камайиб бориши лозим. У ҳолда нооziқ-овқат маҳсулотлари харид қилишга сарф қилинадиган харажатлар миқдори ошиб боради. Ҳозирги шароитда умумий харажатларда унинг миқдори 2011 йилда 9,3 фоиз бўлган бўлса, 2013 йилда 12,9 фоизга ошган.

Истеъмол харажатлари таркибида хизматларга бўлган харажатлар йилдан-йилга ўсиш ижобий тенденцияси кузатилмоқда. Буларга ҳаётий зарур бўлган эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган харажатлар: уй-жой коммунал хизматларини тўлаш, транспорт ва соғлиқни сақлаш, таълим харажатлари киради. Ижтимоий мажмуа тармоқлари фаолиятини пуллик хизматлар кўрсатиш асосида кенгайтириш, шу жумладан, уй-жой коммунал хўжалигида дотацияларнинг қисқариши (иситиш, электрэнергия, газ

тармоқлари ва сув таъминотида тарифларнинг ўсиши) натижасида 2011 йилда оилаларнинг хизматлар тўлови бўйича харажатлари 11,6 фоиздан 2013 йилда 18,4 фоизгача ўсишига олиб келган.

Харажатларнинг ўсиши авваломбор, шаҳар аҳолисини уй-жой-коммунал хизматларига харажатларини ўсганлиги билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Хизматларга ҳақ тўлаш, оилалар фаровонлигининг ошиши билан янада кўпайиб боради.

3.4. Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир этувчи омиллар

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида изчил олиб борилган иқтисодий ислохотлар, хусусан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг натижаси ўлароқ жамият аъзоларининг мақоми ўзгарди. Жумладан, тадбиркорлар, фермерлар ва ижарачилардан иборат янги ижтимоий гуруҳ ҳамда, илгари ҳам мавжуд бўлган ишчи ва хизматчиларни ташкил этмоқда. Бундай ижтимоий гуруҳланиш оилалар даромадининг фарқланишига олиб келди. Чунки, бу гуруҳга мансуб оилаларнинг даромади олиш манбалари турлича. Масалан, ишчи ва хизматчилар оиласи даромади асосан меҳнат даромадларидан ташкил топса, деҳқон оиласи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб сотиш ва натура шаклидаги даромадлардан, пенсионерлар оиласи даромади эса, пенсия ва ижтимоий тўловлардан иборат бўлиб, уларнинг турмуш тарзи шу даромадларнинг миқдорида боғлиқ бўлиб қолмоқда, ва нихоят тадбиркорлар оиласининг даромадлари тадбиркорлик фаолиятидан, мулкни ижарага бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан ва турли хил хизматлардан олинади.

Ҳозирги кунда ҳам Республикамиз оилаларининг ижтимоий гуруҳланиши изчил давом этмоқда. Мавжуд ижтимоий гуруҳлар янги гуруҳга тадбиркорлар тоифасига кириб, турли хил мулкдорлар қатламлари шаклланаётганлигидан далолат бермоқда.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларида аҳоли реал даромадларини мамлакат миқёсида пасайиб кетиши барча ижтимоий гуруҳларга хос эди. Кейинги йилларда хусусий мулк асосида тадбиркорликни ривожланиши натижасида оила даромадларининг ўсиши кузатилмоқда.

Бугунги кунда давлат бюджетидан оилаларнинг 20 турдаги имтиёзлардан фойдаланиб келаётганлиги, ҳамда ўндан ортиқ давлат ижтимоий дастурлари қабул қилинганлиги республикада кучли ижтимоий сиёсатнинг фаол кечаётганлигидан далолат беради. Бу ижтимоий тўловлар 2014 йилда оилалар пул даромадининг 15,2 % фоизини ташкил этмоқда. Бунинг натижасида, оилалар фаровонлигининг яхшиланиши, ижтимоий муҳофазаси, бандлик, соғлигини яхшиланиши таъминланмоқда, аҳолининг таълим, маданият, касбий малакасининг юқори даражаси, аҳоли даромадларининг даражаси ўртасидаги тафовутларни камайтиришга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Кўриниб турибдики, ҳукуматимиз ёрдамга муҳтож оилаларга турли йўналишларда керакли даражада имтиёзлар бериб бормоқда. Бундай ижтимоий сиёсат келажақда ҳам давом этади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим бир белгиси бу оила даромадларининг бир-биридан фарқланишидир. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида оила даромадларини тенглаштиришга интилишлар бўлди. Бунга мувофиқ оила даромадлари ўртасидаги фарқларнинг камайиши ютуқ деб қаралди ва бой бўлишни ман этди. Ушбу ҳол даромад манбаларининг кўп ҳолларда сунъий чекланишига сабаб бўлди, чунончи 1989 йил маълумотларига кўра оилаларнинг 44,5 % кам таъминланган, ёхуд ночор катламни ташкил этди. Бироқ, бозор иқтисодиёти қонуниятлари бундай тенгликни инкор этади. Чунки аҳоли даромадини тенглаштириш меҳнатга бўлган муносабатни ва тадбиркорлик қобилиятларини сусайтиради. Бу эса, ўз навбатида иқтисодий ўсишни рағбатлантирмайди.

Оила хўжалиги даромадларини тадқиқ қилиш учун қандай йўналишлар бўйича табақаланишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳукуматимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қилиш тамойили учун қилинган меъзон айнан оила хўжалиги даромадларининг табақаланишига асосланган.

Тадқиқотларимиз кўрсатмоқдаки, оила хўжалиги даромадлари табақаланишига қуйидаги омиллар таъсирини ҳисобга олиб изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- шаҳар ва қишлоқ оилалари ўртасида;
- тармоқлар ва ҳудудлараро иш ҳақи даромадларининг фарқланиши;
- оилаларнинг ижтимоий гуруҳланиши бўйича (ишчи, хизматчи, деҳқон, пенсионер ва тадбиркорлар оиласи);
- оилалар даромадининг таркибий тузилиши бўйича (меҳнат даромадлари, мулк, тадбиркорлик ва турли хизматлар кўрсатиш ҳисобига олинган даромадлар, нафақа, пенсия, ва степендия олувчилар даромадлари, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотларини етиштириб уларни сотишдан олинadиган даромадлар ва ҳ. к.);
- оила даромадини ишлатиш, яъни харажат қилиш бўйича (озик-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат маҳсулотлари сотиб олишга, хизматлардан фойдаланишга, тадбиркорликка инвестиция қилишга ва ҳ. к.);
- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан юқори даражада таъминланган оилалар даромади бўйича.

Бироқ, республикамизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат аҳоли, хусусан, оилалар пул даромадлари зфтасидаги фарқни қисқартира боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Оила даромадларининг фарқланишини тадқиқ қилишда, унинг конкрет регион, турар - жой мавзеси ва алоҳида оила учун ўзига хослигини ҳисобга олиш зарур. Масалан, Қарши шаҳридаги турмуш тарзи ва даромад манбалари билан Деҳқонобод ва Чироқчи туманидаги шарт-шароитлар турлича. Умуман, шаҳар ва қишлоқнинг ўзига хослигини ўрганиб, шунга

караб оилаларнинг иқтисодий ночор ёки фаровонлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Оилалар даромадининг таркибий тузилиши ва тақсимланиши ҳам даромадлар фарқланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. (3.3.1-жадвал)

3.3.1-жадвал

Кузатилган оила хўжаликларининг 2014 йилда олган бир ойлик даромадлари таркиби ва тақсимланиши

№	Даромад турлари	Жами даромаддаги улуши, %	Ўртача оила хўжалигига	ўртача жон бошига сўм
1	Меҳнат даромадлари	16,9	69300	22355
2	Ижтимоий тўловлар (пенсия, нафақа, стипендия ва б.)	11,6	50324	9401
3	Тадбиркорлик даромадлари	44,6	255937	42487
4	Таниш, қариндошлар ва алиментлардан	12,6	54071	10182
5	Натурал кўринишдаги даромадлар	14,3	60000	20418
	Жами:	100,0	399632	104838

Манба: 2014 йил давомида Қашқадарё вилоятида кузатилган 135 та оила хўжалиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кузатилган оила хўжаликларининг ялпи даромади ўртача 399632 сўмни ташкил этиб шундан, 69300 сўми ёки 16,9 фоизини меҳнат ҳақи олиш билан олинадиган даромадларга тўғри келмоқда. Оила хўжалигининг ижтимоий тўловлар ҳисобига олган даромадлари 50324 сўм ёки 11,6 фоизга тўғри келади. Оила хўжалиги даромадларининг анча қисмини тадбиркорлик (мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш ва бошқа турли хил хизматлар) ҳисобига олган даромадлари ташкил этади. Умуман оила хўжалиги даромадининг 155937 сўми ёки 46,5 фоизи шу йўл билан олинган даромадларга тўғри келади. Таниш, қариндошлар ва алиментлардан тушган даромадлар 54071 сўм ёки 12,6 фоизни ташкил этади. Натурал кўринишдаги даромадлар эса 60000 сўм ёки 14,3 фоизни ташкил этган.

Оила хўжалиги харажатлари ҳам даромадлар тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга. Харажатлар энг аввало аҳоли шахсий истеъмолига хизмат қилади. Шу сабабли оила даромадлари асосан, икки фондни ташкил этади, бу истеъмол ва жамғариш фондидир. Биринчидан, фонд жорий истеъмол харажатларини молиялаштиришга юборилади. Иккинчидан, инвестиция ресурсларини ҳосил этади. Бу фондларнинг миқдори ва нисбати даромаднинг умумий миқдорига боғлиқ. Даромад қанчалик кўп бўлса, у шунчалик кўпроқ истеъмол харажатларидан ортиб қолади, шунга қараб кўпроқ жамғариш ҳосил бўлади.

Маълумотларга кўра, республикамизнинг айрим вилоятларда хусусан, Қашқадарё вилоятида оила аъзоларининг ўртача ёши 25,6 ни, ёши жихатидан ишга яроқлилар 55,1 % ни, иш билан бандлар 36,5 %, ишсизлар 14,9 % ни ташкил этади. Катта ёшдагилар бир қисмининг ишсизлигини, улар орасида қариялар борлигини ҳисобга олсак, пултопарларга кўп миқдорда боқимандалар тўғри келади. Республикамизда шундай оилалар ҳам борки, оиладаги ишламайдиганлар истеъмоли жами истеъмолнинг (натурал истеъмолни ҳисобга олмаганда) ҳатто 55-60 % ни қамраб олади.

2014 йилда кузатилган 135 та хизмат соҳалари билан банд бўлган оилаларда пул даромадларининг жон бошига ўртача тақсимланиши ушбу оилаларнинг фаолият тури бўйича 1.2- расмда келтирилган. Мазкур маълумотлардан келиб чиқиб, жон бошига энг кам даромад тўғри келган оила ва энг кўп даромадли оилалар даромади ўртасидаги фарқ ҳисобланганда 2,2 мартани ташкил этмоқда. Ушбу табақаланишнинг назарий жихатдан нормал ҳолати 8 мартани ташкил қилиши керак.

Ушбу таҳлилда яна битта жуда муҳим қонуният кузатилмоқда. Оила хўжаликлари даромадларининг ортиб бориши билан улардаги аҳолининг ўртача сони камайиб бормоқда. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, оила хўжалиги аъзолари сони қанча камайиб борса, уларнинг ўртача даромадлари шунча кўп эканлиги кузатилади.

Кузатилган оилаларда пул даромадларининг табақаланиши қишлоқ билан шаҳар ўртасида нисбатан фарқ қилади. Масалан, қишлоқ жойида аҳолининг бир оилага тўғри келадиган сони 6,2 кишини ташкил қилса, шаҳарда ушбу кўрсаткич 3,4 кишини ташкил қилади. Оилаларнинг иш ҳақи ҳисобига олган даромади 2012 йилда 30,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 28,6 фоизни ташкил этмоқда.

Статистик амалиётда аҳолини даромадлар бўйича табақаланишини ифодоловчи кўрсаткич сифатида Джин коэффicientsидан фойдаланилади. Бунда аҳолининг барча пул маблағлари унинг алоҳида гуруҳларида тақсимланади. Унинг улуши 0 ва 1 оралиғида бўлади. Даромадлар тенг тақсимланганда коэффicients 0 га яқинлашади. Агар, аксинча 1 га яқинлашса, жамиятда даромадларнинг тенг тақсимланмаганлигини билдиради.

Джин коэффicientsининг математик ифодаси қуйидаги кўринишга эга.

$$G = \frac{\sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n (y_i - y_j)}{2 n^2 \bar{y}}$$

Бунда:

n - оила хўжалиги сони;

y - ўртача даромад;

y_{ij} - оила хўжалиги даромади

Ушбу формулани қўлашда биз ЭХМ да паскал тилидан фойдаландик ва Лоренц эгри чизиғида оила хўжалиги даромадларининг табақалашувини ифодаладик (2.1- расм)

```
program sum;
```

```
Uses Crt;
```

```
Const m=10;
```

```
var i,j,n:integer;
```

```
G,xy:real;
```

```
y:array [1..m] of real;
```

```
begin clrscr;
```

```
read(n); for i:=1 to n do read (y[i]);
```

```
xy:=0; for i:=1 to n do xy:=xy+y[i];
```

```
xy:=xy/n;
```

```
G:=0; for i:=1 to n do for j:=i+1 to n do
```

```
G:=G+abs(y[i]-y[j]); G:=G/(2*n*n*xy);
```

```
write('Ycr=',xy:8:4,' G=',G:8:4);
```

```
end.
```


Ушбу формуланинг ҳаётийлигини текшириш учун унга қиймат берамиз.

5 50 55 60 65 70

Ycr=60.000 G=0.333 (1)

5 90 95 100 105 110

Ycr=100.000 G=0.02 (2)



2.2-расм. Лоренц эгри чизиғида оила хўжалиги даромадларининг табақалашуви

Лоренц эгри чизиғининг тўғри чизиқдан узоқлашиши оилаларнинг табақалашувини билдиради. Лоренц эгри чизиғининг тўғриланиб, тўғри чизиқга айланиши мумкин эмас ва аксинча тўғри чизиқдан ўта узоқлашиши ҳам мумкин эмас, чунки бунда бой оилалар бойлиги ўта ортиб, камбағаллар янада ночор бўлиб қолиши мумкин. Демак, Лоренц эгри чизиғи тўғри чизиқдан маълум масофада узоқлашуви мумкин экан. Ушбу табақаланишнинг нормал ҳолати 8 мартани ташкил қилиши керак. Ўзбекистондаги 10 % бой ва камбағал оилалар даромадидаги 2006 йилги фарқни ёйсимон чизиқ билдиради.

Бугунги кунда бозор қонуниятларини тез илғаб олган оилалар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ўз даромадларини кескин кўпайтиришлари мумкин. Фақат меҳнат ҳақи олиш ва турли хил ижтимоий тўловлар олиш билан чекланиб қолган оилаларнинг яшаш тарзи нисбатан паст даражада қолмоқда. Бу жараён бевосита оила хўжалиги даромадларининг фарқланишига олиб келувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Лекин шу билан бирга жамиятимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги керак. Бу муаммо мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди учун ҳам ўта муҳимдир. Зеро, бозор муносабатларини шакллантириш кўп корхоналарнинг тўхтаб қолишига янги иш ўринлари очишнинг

имконияти чегараланишига, маблағларнинг етишмаслигига олиб келди. Бу эса ўз навбатида оила даромадларига ҳам маълум даражада таъсир қилмасдан қолмади.

Бизнинг фикримизча, хизмат соҳалари билан банд бўлган оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада юксалтириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмол молларини, қурилма материалларини таёрловчи хусусий кичик корхоналар ва оилавий тадбиркорлик субъектлари учун кенг шароитлар яратиш;

Иккинчидан, хизмат соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларида ижтимоий-маиший ва қурилиш бўйича хизматлар турини янада кенгайтириш;

Учинчидан, ишдан бўшаган ходимларни қайта таёрлаш, касби бўлмаган шахсларга бозор талабига мос касблар ўргатиш, хусусан хизмат соҳаларига мос мутахассислар таёрлашга ёрдам бериш марказларини очиш.

3.5.ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ - ҚУВВАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бугунги кунда хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Оила даромадларининг мазмуни ва таркиби бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, аввал оила даромади асосан меҳнат даромадидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли, ҳар бир оила эндиликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари ҳисасини оширишга кўплаб шарт-шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимизда бу борада хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайишини таъминлашга доир энг муҳим қуйидаги вазифалар белгиланган:

1. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.
2. Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш. Қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар томонидан етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.

Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига

кайтишга бўлган ҳар қандай ўринишларга барҳам бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни тақозо этади. Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йули билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш, бу ишни Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

Оилавий тадбиркорлик давлат томонидан ҳам қўллаб - қувватланмоқда. Шу мақсадда вазирлик ва идораларга кичик бизнес субъектлари учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини тайёрлашда қуйидаги масалалар кўзда тутилган:

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усулларини ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан таёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

Хизмат соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим тадбирлардан бири уларга солиқ имтиёзларининг берилиши бўлди. Бунинг ифодаси 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.”¹

Оилавий тадбиркорликни қўллаб - қувватлашда бозор инфратузилмаси ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини яратиш, хусусан тадбиркорларни бирлаштириб, улар манфаатини ҳимоя қилувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари катта аҳамиятга эга.

Хуллас, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича тадбиркорларнинг иқтисодий билимларини ошириш, имтиёзлар бериш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятига аралashiшни чеклаш, оилавий тадбиркорликни ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш ҳамда рағбатлантириш каби белгиланган йўналишлардаги ишларни такомиллаштириш лозим.

¹ И.А.Каримов Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги **“2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”** номли маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 18.01.2014

4.1. Назарий дарс ўтиш методикаси

Назарий дарсда ўқитувчи томонидан ўрганилаётган билимлар, малакалар, кўникмалар талабаларга ёппасига баён этилади. Назарий дарсни баён этилиш жойига қараб ҳар хил бўлиши мумкин, яъни тегишли фанларга оид ижтимоий характерга эга маърузалар, техника-технологияларга оид маърузалар илмий педагогик марказлар ва бошқалар.

Ижтимоий фанларга оид назарий дарсни баён этилиш жараёнида унга қуйидаги талаблар қўйилади:

- берилаётган материаллар илмий характерга эга бўлиши;
- назарий дарс системали (тизимли) бўлиши;
- материаллар, маълумотлар талабалар кучига мос ва хос бўлиши;
- назарий дарсда назарий масалалар амалиёт билан бевосита боғланган бўлиши;
- назарий дарсда мавзуга оид Республикадаги ижтимоий-иқтисодий воқеа-ҳодисаларнинг энг сўнгги статистик маълумотлари билан бойитилган бўлиши лозим.

Назарий дарсни баён қилишда тушунарли, аниқ бўлишини таъминлаш, терменларга изоҳлаш, зарур миқдордаги мисоллар ва кўрсатмалар танлаш, ҳар хил кўргазмалар воситалардан фойдаланишнинг ҳам аҳамияти катта.

Назарий дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи мавзу бўйича саволларни қандай баён қилишни, қандай услублар қўллашини кўз ўнгига келтириши керак. Мавзу бўйича адабиётларни, зарур маълумотларни ана шундагина тўғри танлаши мумкин. Яна шуни ҳам ҳисобга олиши зарурки, агар ўқитувчи зарур далиллар, маълумотларга эга бўлсада, уларни ишонарли, асосланган ҳолда баён қилмаслиги, фандаги долзарб саволларга жавоб беришдан четлаб ўтиши ёки четга чиқиши мумкин. Бу талабаларда маърузадан қониқмасликка, унинг ишончлилиги ва тарбиявий аҳамиятини тушунтиришга олиб келади.

Назарий дарснинг илмийлиги материални баён қилишнинг изчиллиги, саволларни аниқ, тушунарли қўйилишини назарда тутати. Илмий-иқтисодий жараёнлар, иқтисодий ҳаётни таҳлил қилишда тарихийликка амал қилишни талаб қилади.

Назарий дарсни ўрганишда қизиқиш, иштиёқ, талабаларда фанни янада чуқурроқ ўрганишга хоҳиш истак уйғотиши керак. Бунинг учун назарий дарсга қўйиладиган талаблар асосида тайёрланиб ўтказиш керак.

“Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ўрни “

4.2. Маъруза машғулотининг таълим технологияси

Вақти: 2 соат	Талабалар сони: 45
Машғулот шакли	Маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	- Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти - Иқтисодиётни модернизасиялаш шароитида оилавий тадбиркорлик- аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали воситаси . - Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ёъналишлари - Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир етувчи омиллар
Машғулотнинг мақсади:	“Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг тўғрисида талабаларнинг билимларини шакллантириш
<i>Педагогик вазифалар</i>	Ўқув фаолияти натижалари.
- Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти ҳақида айтиб бериш; - Иқтисодиётни модернизасиялаш шароитида оилавий тадбиркорлик- аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали воситасини таҳлил қилинади; - Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ёъналишлари ҳақида тушунча бериш. - Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир етувчи омиллар ҳақида тушунча бериш.	- Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти ҳақида айтиб берадилар; - Иқтисодиётни модернизасиялаш шароитида оилавий тадбиркорлик- аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали воситасини таҳлил қиладилар; - Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ёъналишлари ҳақида тушунча оладилар; - Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир етувчи омиллари ҳақида тушунча оладилар
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, муаммоли, ақлий хужум, баҳс-мунозара, намоёиш етиш
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланма, маъруза материаллари, компьютер техникаси, слайдлар, ўқув услубий мажмуа
Ўқитиш шакллари	Жамоа бўлиб ишлаш, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг	Назорат саволлари, слайдлар. Кузатиш, тезкор- сўров.

4.3. Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш бос- қичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	ўқувчи
1-босқич. Ўқув машғулотиг а кириш (10 дақ.)	Ташкилий бошланиш. 1.1. Ўқувчилар билан саломлашади. 1.2. Ўқувчиларни ва аудиторияни машғулотга тайёрлигини текширади. 1.3. Ёъқлама қилади. Ўқув фанига олиб кириш. 1.4 “Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ўрни мавзуси бўйича таништиради ва уларга қисқа тавсиф беради. 1.5. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни мустақил ишлаш учун адабиётлар билан таништиради. Мақсад ва вазифани белгиланиши. 1.6. Ўқув машғулотни мавзуси, режаси, мақсад ва ўқув фаолият натижалари билан таништиради.	Дарсга тайёргарлик кўради. Тинглайди, ёзиб олади. Ёзиб олади.
2-босқич. Асосий (70 дақ.)	Таянч билимларни фаоллаштириш. 2.1. Ўқувчилар билимини тезкор-сўров орқали фаоллаштиради Жавобларни қабул қилади, улар асосида янги ўқув материали бўйича маълумотлар беришга ўтади. Янги ўқув материалига кириш. 2.2. Слайдларни Поер поинт тартибида намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қилади. 2.3. Жалб қилувчи саволлар беради. 2.4. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. 2.5. Маълумотларни дафтарга қайд етишларини еслатади. 2.6. Янги ўқув материални ўзлаштириш даржасини текшириш бўйича тезкор-сўров ўтказди	Саволга жавоб беради. Кузатади, маълумотларни дафтарга қайд қилади. Саволларга жавоб беради. Саволларга жавоб беради
3-босқич. Яқуний (10 дақ.)	Машғулотни якунлаш. 3.1. Мавзу бўйича якун қилади, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга ега еканлиги муҳимлигига Ўқувчилар ётиборини қаратади. Уйга вазифа бериш. 3.2. “Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ўрни “ ва иқтисодий самарадорлигини ошириш ёллари ёлларини аниқлаш	Диккат қилади. Топшириқни ёзилади

4.4. Мавзу: “Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ўрни “

Дарс тури:	Назарий машғулот.
Дарс учун ажратилган вақт:	2 соат
Дарс ўтиш жойи:	иқтисодий фанлар ўтиш учун ажратилган махсус хона
Дарс ўтиш методи:	оғзаки, кўргазмали, муаммоли
Дарснинг методик ва материаллар техник таъминланиши:	мавзулар режаси, дарсликлар, маърузалар матни, луғатлар, плакатлар, диаграммалар, тарқатмали материаллар.
Дарснинг мақсади:	Талабаларда “Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ўрни тўғрисида тушунчалар бериш.
Дарснинг тарбиявий мақсади:	мавзуни ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган тушунчаларни ўрганиб касб моҳиятини тушунтириш, малака ва кўникмалар шакллантириш.
Дарснинг ривожлантирувчи мақсад:	Талабаларда мавзу юзасидан билимларни ривожлантириш, фикрлаш қобилиятини мустақиллигини, кўникмаларини кучайтириш.
Дарс ўтиш тартиби.	

Дарснинг асосий қисми.

Дарснинг муваффақиятли ўтишини кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил қилишга боғлиқ. Шунинг учун ўқитувчи дарсга кирганда ўқувчилар билан саломлашади, дарсдаги иштирокини текширади. Талабаларнинг дарсга қайфиятини ва технологик тайёрилигини кўздан кечиради. Дарс хонасининг жиҳозланиш ҳолатини кўздан кечиради. Талабаларни дарсга жалб қилади.

II. Олдинги ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш. Берилган вазифаларни текшириш. Олдинги ўтилган мавзу юзасидан ўқитувчи томонидан тузиб келингани саволлар юзасидан ўқитувчи томонидан талабаларнинг билимларини текшириб чиқилади. Бунда ҳар хил сўраш (оғзаки, ёзма, тест ва бошқалар) томони методларидан фойдаланиш мумкин. Уйга берилган топшириқ бажарилиши текшириб баҳоланади. Ўқувчилар томонидан тушунмаган қисмлар ҳақида қўшимча тушунчалар бериб ўтилади. Умуман олдинги ўтилган мавзу мустаҳкамланиб янги мавзу билан боғланади.

Дарс баёни

Дарс баёни асосан слайдлар асосида олиб борилади:

1-слайд

Дарс режаси:

1. Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти
2. Иқтисодий-иқтисодий модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорлик- аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали воситаси .
3. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ёналишлари
4. Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир етувчи

2-слайд

Оилавий тадбиркорлик деганда еса жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил етмаган ҳолда ер-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган иқтисодий фаолияти, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ер-хотин ёхуд оила аъзоларининг биргаликда бевосита умумий мулкка, умумий мақсад ва манфаатларига бўлган интилишларидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

3-слайд

Бугунги кунда оилавий бизнесни шартли равишда икки кўринишга ажратиш мумкин: биринчиси, жаҳон амалиётида кўп йиллар давомида фаолият кўрсатиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган йирик компаниялар бўлса, иккинчиси, бозор муносабатлари тизимида ўтаётган мамлакатларда ташкил етилаётган оилавий корхоналарни киритиш мумкин. Улар бир-биридан кўлами жиҳатидан, яъни йирик ва кичик бизнесга ажратилади.

4-слайд

Оилавий бизнеснинг миллий иқтисодиётдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

-оилавий кичик бизнес еркин бозор муносабатларини ривожлантириш, халқнинг тарихий анъанаси ва маҳоратини тиклашнинг енг қулай усулидир;

- аҳолининг руҳий ҳолатини соғломлаштириш, боқимандалик кайфиятини ёъқотиб, ўз даромади ва харажатларини сарҳисоб қилган ҳолда мустакил хўжалик юрита олиш қобилиятини тарбиялаш ;

-оилаларнинг турмуш фаровонлигини оширишнинг моддий асосини яратиш;

-оила аъзоларининг ўз –ўзини иш билан банд қила олиш,оила имкониятлари доирасида янги иш ўринларини яратиш;

-оилаларни бозор қоидаларига мос равишда даромад топиш учун шарт шароит ҳозирлаш;

-ЯИМн яратишдаги улуши, йирик саноат корхоналари учун касаначилик фаолияти орқали маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

-саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

-кўрилиш, савло ва хизмат кўрсатиш соҳаларида талбиркорлик фаолият билан

5-слайд

Оилавий тадбиркорлик-оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади ва бошқарувга оила аъзоларининг ҳаммаси иштирок этади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил етган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

6-слайд

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари ҳисасини оширишга кўплаб шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда бу борада хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайишини таъминлашга доир енг муҳим қуйидаги вазифалар белгиланган:

1. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.

2. Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш. Қасддан содир етилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар томонидан етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.

7-слайд

Оилавий тадбиркорлик давлат томонидан ҳам қўллаб - қувватланмоқда. Шу мақсадда вазирлик ва идораларга кичик бизнес субъектлари учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини тайёрлашда қуйидаги масалалар кўзда тутилган:

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференсиялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш.
2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий етиш.
3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил етиш, хонадонларда майда хусусий сеҳлар очишни рағбатлантириш.
4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан таёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

8-слайд

Хизмат соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим тадбирлардан бири уларга солиқ имтиёзларининг берилиши бўлди. Бунинг ифодаси 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод етилди.

9-слайд

Оилавий тадбиркорликни қўллаб - қувватлашда бозор инфратузилмаси ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини яратиш, хусусан тадбиркорларни бирлаштириб, улар манфаатини ҳимоя қилувчи жамоат ва нодавлат

10-слайд

Хуллас, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича тадбиркорларнинг иқтисодий билимларини ошириш, имтиёзлар бериш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятига аралашини чеклаш, оилавий тадбиркорликни ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш ҳамда рағбатлантириш каби белгиланган ёъналишлардаги ишларни такомиллаштириш лозим.

IV. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.

Талабаларга мавзу юзасидан қизиқарли саволлар бўлса, ўқитувчи томонидан жавоб берилади. Кейин талабаларга янги мавзу юзасидан қанчалик даражада тушунчага ега бўлганлигини билиш мақсадида қисқача саволлар бериб, билимини назорат қилинади.

V. Кейинги ўтиладиган мавзу еълон қилинади. Керакли мавзуга таалукли тарқатма материал тарқатилади.

VI. Уйга вазифа бериш.

Талабаларга келгуси дарсга қандай уй вазифалари бажариб келишиши кўрсатилади. Фойдаланишга тавсия етиладиган адабиётлар рўйхати берилади. Уйга вазифа бериладиган вазифалар албатта мавзуга таалукли бўлиши уларни қизиқтирувчи бўлишини еътиборга олиш лозим бўлади.

VII. Дарсни якунлаш.

Талабалар билан хайрлашиб дарсни якунланади.

5. Амалий машғ'улотлар тизими

5.1. Амалий машғ'улотларни ташкил етиш ва о'тказиш

Амалий машғулот дарслари касб-хунар коллежларда ўқув жараёнининг асосий шаклларида бири бўлиб унда, ўқувчиларнинг мустақил ишлаш қобилиятлари шакллантирилади. Ўз билимларини чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди.

Амалий машғулот дарсларини икки турга ажратиш мумкин, булар маъруза дарси мавжуд бўлган ва маъруза дарси мавжуд бўлмаган фанлардан (чет тили), ўтказиладиган машғулотлардир. Амалий машғулот дарслари фаннинг дастурлари ҳамда тематик режаларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилади.

Амалий машғулот дарсларига ўқитувчи жуда пухта тайёргарлик кўриши талаб етилади. У амалий машқлар ечиш давомида пайдо бўладиган ҳар қандай муаммоларни атрофлича ўқувчиларга тушунтириб бериш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ўқитувчи ҳар бир амалий машғулот дарсини ўтказиш режасини пухта тузиб чиқиши керак. Уни қандай янги педагоги технологияларидан ёки янги интерактив усуллардан фойдаланишни аниқлаб олиши зарур. Керакли кўрсатма ва тарқатма материалларини олдиндан тайёрлаб қўйиш талаб этилади. Амалий машғ'улотда янги педагоги технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланиш учун имкониятлар катта бўлади. Ўқитувчи дарсга кириб ташкилий ишларни ўтказади, аудиторияни дарсга тайёргарлиги ёзиш ва ўчириш воситаларининг мавжудлиги ҳамда ўқувчиларнинг давомати аниқланади. Амалий машғулот дарсларида савол-жавоблар, дискуссиялар ташкил қилинади, фаол иштирок етган талабалар рағбатлантиради.

Амалий машғулот дарсларини дастур бўйича сифатли ўтилишини талабалар билимининг ўз вақтида адолатли ва холисона баҳоланишини фандан маъруза олиб борувчи ўқитувчи мунтазам назорат қилиб бориши

шарт. Шунингдек амалиёт ўқитувчиси билан дастур бажарилиши учун амалий дарсларда нималарга алоҳида эътибор қаратилиши, маърузада мавзуларни қайси қисмлари кам ёки кўпроқ ёритилгани ва бошқа ўқув-услубий масалаларда маслаҳатлашиб фикрлашиб туришлари лозим.

Семинар машғулотни талабалар билимини чуқурлаштириб мустаҳкамлайди. Ҳар бир семинар машғулотининг режалари ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати ишчи дастурда тўлиқ акс этади. Шунингдек, семинар машғулотларининг режалари кундалик долзарб маълумотлар билан бойитилади, кафедра йиғилишларида муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

Айниқса ижтимоий – иқтисодий фанлар бўйича семинар машғулотларининг саволлари кундалик янгиликлар ва сенат Олий мажлис қарорлари, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози бўйича материаллар билан тўлдирилади. Ўқитувчи ҳар бир амалий-семинар машғулот дарси учун зарур кўрсатмалар ва тарқатмалар материалларни олдиндан тайёрлаб қўйиши зарур.

Амалий машғулотда кўпроқ ўқувчилар гуруҳини бир нечта кичик гуруҳларга ажратиб ўқитишнинг ақлий ҳужум, баҳс-мунозара, суҳбат методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу методлар ўқувчиларни мавзу юзасидан кўпроқ мустақил фикр юритишга, ўз фикрини баён этишга ундайди. Дарсга бўлган қизиқишларини ошириб, диққатларини жамлашга ўргатади. Бундан ташқари амалий машғулот сўнгида оўқитувчи ҳар бир ўқувчининг фаолиятини тўғри ва ҳолисона баҳолашга эришиши зарур. Шунингдек, баҳоларни эълон қилиб фаол ўқувчиларнинг фамилияларини айтиб рағбатлантириши ва аксинча пассив, нутқи ривожланмаган ёки уятчан ўқувчиларга енгил танбех бериши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

5.2. “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб - қувватлашни такомиллаштириш ёъналишлар “ мавзусида амалий таълим бериш технологияси.

<i>Талабалар сони: 20 та</i>	<i>Дарс вақти - 2 соат</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот
<i>Машғулот режаси</i>	Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти ҳақида айтиб берадилар; - Иқтисодиётни модернизасиялаш шароитида оилавий тадбиркорлик- аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали воситасини таҳлил қиладилар; - Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ёъналишлари ҳақида тушунча оладилар; - Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир етувчи омиллари ҳақида тушунча оладилар

<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб - қувватлашни такомиллаштириш ёъналишлар “ мавзу бўйича талабалар билимларини чуқур ўзлаштиришни таъминлаш
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
- Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти ҳақида айтиб берадилар; - Иқтисодиётни модернизасиялаш шароитида оилавий тадбиркорлик-аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали воситасини таҳлил қиладилар; - Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ёъналишлари ҳақида тушунча оладилар; - Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир етувчи омиллари ҳақида тушунча оладилар.	Оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти ҳақида айтиб берадилар; - Иқтисодиётни модернизасиялаш шароитида оилавий тадбиркорлик- аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали воситасини таҳлил қиладилар; - Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ёъналишлари ҳақида тушунча оладилар; - Оилавий тадбиркорликда даромадларнинг фарқланиши ва уларга таъсир етувчи омиллари ҳақида тушунча оладилар .
Ўқитиш усуллари ва техника:	кичик гуруҳларда ишлаш, тест назоратлари.
Ўқитиш воситалари:	тарқатмали материаллар, компьютер технологияси, мултимедиа, видеопроектор.
Ўқитиш шакллари:	Жамоа ва гуруҳ билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароитлари:	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	тест назорати, савол-жавоб, ўз -ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

**5.3. “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб - қувватлашни
такомиллаштириш ёнашлилари“ мавзусида амалий машғулотнинг технологик харитаси**

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Талаба фаолиятининг мазмуни
1- босқич Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. 1.2. «кичик гуруҳларда ишлаш»усулидан фойдаланилган ҳолда талабаларга бажарилган ишларни кўздан кечириб хулосалайди. 1.3. Талабалар фикрини умумлаштириб, уларни 3-4 та кичик гуруҳларга бўлади. 1.4 Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан. таништиради. 1.5. Гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради.	Мавзу номини ёзиб оладилар Ёзиб оладилар Ўз фикрларини еркин билдирадилар, графикли органайзерни тўлдирадилар. Интер фаол усуллардан фойдаланилган ҳолда кичик гуруҳларга бўлинади. Ёзиб оладилар
2- босқич Асосий қисм (60 мин)	2.1. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади ва гуруҳларда ишлашни ташкил етади. 2.2. 3-4 та гуруҳга бўлади, ҳар бир гуруҳ топшириқларини флипчарт қоғозга тушириб, тақдиротни ўтказишга ёрдам беради, билимларни умумлаштиради, хулоса қилади. 2.3. Таърифлар мазмунини тушунтиради ва графикли органайзерларни бажаришни ташкил қилиш бўйича маслаҳатлар беради, кузатиб туради. 2.4. “Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ўрни “ тўғрисида тушунчалар беради; Муаммони тушунтиради, маслаҳатлар беради, ечимини шартлаб беришни сўрайди, ягона хулоса чиқаришга қўмак беради ва ниҳоясида умумлаштиради	Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг тақдиротини ўтказадилар, баҳс мунозара ўтказадилар, қўшимчалар қиладилар, хулоса чиқарадилар. Қўйилган саволларга жавоб тайёрлайдилар. Методологик асосларини ва туркумланишини кўрсатадилар қўйилган муаммо бўйича тасаввурга ега бўладилар ва ечимини шартлашни ўргана-дилар.
3-босқич Яқуний қисм (10 мин)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. 3.2.Ўз-ўзини назорат ва мустаҳкамлаш учун савол беради. 3.3. Мавзу мақсадига еришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди. 3.4 Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.	Саволлар берадилар Саволларга жавоб берадилар Баҳо оладилар Ўқув услубий мажмуага қарайдилар

5.4.Техник воситалар асосида амалий машғулот ўтказиш методикаси.

Мавзу: ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ - ҚУВВАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЁЊНАЛИШЛАРИ

Дарс тури:	Амалий машғулот.
Дарс учун ажратилган вақт:	80 дақиқа
Дарс ўтиш жойи	Техник воситалар асосида кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш учун қулай бўлган аудитория
Ўқиш методи:	Техник воситалар асосида ҳамда кичик гуруҳларда ишлаш усуллари.
Дарснинг методик таъминоти:	Компютер технологияси, мултимедиа, видеопроектор, таркатмали материаллар, ўқув қўлланмалари
Дарснинг мақсади:	Талабаларда мавзу бўйича корхона маркетинг дастури ва уни ишлаб чиқиш иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги билимларни шакллантириш
Дарснинг тарбиявий мақсади	Талабаларда мустақил фикрлаш, амалий машғулотга фаол иштирок етиш, мавзуни тарбиявий аҳамиятини тушунтириш, ўзи танлаган кабига қизиқиш уйғотиш
Дарснинг ривожлантирувчи талабаларда мавзу бўйича тушунча, мақсади:	Ишни бажариш орқали малака, касбий мулоқот маданиятига ўргатиш

I.Ташкилий қисм.

Ўқитувчи машғулотга киргандан кейин саломлашиб, хонада психологик иқлим яратиб талабаларни дарсга иштирокини аниқлайди ва ўқув аудиториясини дарс ўтишга тайёрлигини текширади. Дарс бошланади.

II. Олдинги ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш.

Аввалги ўтилган амалий машғулотда берилган уй вазифасини текшириб чиқилади. Текширишда турли усуллардан фойдаланиб мавзу бўйича билимларни назорат қилинади.

III.Ушбу қисмда талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларни назорат қилиш учун оралиқ баҳолашда тест ўтказиш усулини қўлланди. Талабалар томонидан ўқув материалларини ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакаларини ҳосил бўлганлигини, тест орқали текшириб баҳоланади.

Таълимнинг техник воситалари асосида дарс ўтиш методининг тавсифи

Амалий машғулотда мултимедия воситалари ёрдамида талабаларни ўқитиш икки баробар самарали бўлади. Мазкур восита ёрдамида ўқитишда анъанавий таълим усуллари

нисбатан ўртача 30 фоизгача вақтини тежаш мумкин ҳамда олинган билимлар ўқувчилар хотирасида узоқ муддат сақланиб қолади.

Таълим жараёнида техник воситалардан фойдаланиш жуда муҳим ўрин егаллайди. Ушбу воситалар ёрдамида машғулотларни замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда олиб бориш ҳамда таълим олувчиларни диққатини жалб этишда кенг фойдаланиш мумкин. Техник воситалар маълумотларни визуаллаштиришда ёрдам бериб, керакли тасвир ва матнларни ёзиб олиш, сақлаш имконини .

IV. Дарсни якунлаш.

Талабалардан оралиқ назоратни яъни тестларни жавобларини олиб, келгуси ўтиладиган мавзунини ёълон қилиниб дарсни якунланади.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишида касб-хунар коллежларида " Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ўрни" мавзусини ўқитишда "Муаммоли вазият" методидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Битирув малакавий иш мавзуси бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, касб-хунар таълими жараёда дарс машг'улотларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил етишга, улардан унумли фойдаланиш орқали берилаётган материалнинг тез тушуниб идрок қилиниши билан бир қаторда, таълим жараёни сифат ва самарадорлигини оширишдаги долзарб масалани ечишга қаратилди.

Битирув малакавий ишида бозор муносабатлари шароитида аҳоли бандлигини оширишда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини назарий ва амалий дарс ишланмасини ишлаб чиқиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди.

1.Иқтисодий эркинлаштириш шароитида «оила» тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мазмуни кенгайиб, унга фақат истеъмолчи субъект сифатида емас, балки иқтисодий муносабатларнинг асосий иштирокчиси эканлигини ҳисобга олиб ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, истеъмол бозори, меҳнат бозори, молия бозори ва енг муҳими ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларида, умуман аҳоли бандлигини таъминлашда улар ҳаракатини кузатиш мумкин.

2.Оилавий тадбиркорлик - бозор муносабатлари шароитида оила хўжалигининг енг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан оила хўжалиги функциялари унинг фаровонлигини таъминловчи омиллар сифатида қаралиши лозим. Чунки оила хўжалиги ўз функцияларини муваффақиятли бажариши нафақат унинг моддий фаровонлигига, шу билан бирга оилада келиб чиқадиган ижтимоий низоларнинг ҳам қисқаришига олиб келади.

3. "Оила - оилавий тадбиркорлик" категориялари муракаб ажралмас мажмуадир. Бунда оила фақат истеъмолчи сифатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ, оилавий тадбиркорлик фақатгина оила негизида шаклланади ва ривожланади.

4. Дарс жараёнларида қўлланиладиган таълим методлари берилаётган о'қув материални о'қувчиларнинг пухта о'злаштиришига ёрдам беради, уларнинг фикрлаш фаолиятини о'стиради, ҳар нарсани билишга иштиёқ уйғ'отади. Фаҳм – фаросатли, мустақил ижод қилишга интилиш каби шахсий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради.

5 Таълимнинг илг'ор методлари асосида ташкил етилган дарс машг'улотларига "Муаммоли вазият" методлари қ о'лланилса дарс янада самарали ва тушунарли бо'либ, дарс жараёнида о'қувчилар фаоллигини сезиларли даражада оширади.

6. Таълим жараёнида фаол о'қитиш методлари о'қув материални егаллаш жараёнида о'қувчиларни фикрлаш ва билиш фаолиятига ундайди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди ва шу асосда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

7. Қишлоқ ва шаҳарларда ҳар қандай хизмат турини кўрсатаётган тадбиркорларга солиқлар ва ягона ижтимоий тўловларни мумкин қадар камайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур тўлов турлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу орқали оила даромадларини кўпайтиришда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Бу еса оилаларнинг ўз маблағлари билан хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга имкон беради. Чунки, кўпчилик оилалар бозор қонуниятларига етарлича кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

8. Кичик бизнес соҳаларида иш билан бандликни таъминлаш мақсадида, янги корхоналар ташкил етиш, хусусан, касаначилик, оилавий кичик сеҳлар очиш, қишлоқ жойларида ижтимоий-маиший ва қурилиш бўйича хизматлар турини кенгайтириш ҳамда, йирик саноат корхоналари ўртасида турли хизматлар бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш зарур.

9. Оилавий тадбиркорликни юритиш учун тўсқинлик қилаётган омиллардан енг асосийси молиявий омилдир. Сўралган оилаларнинг кўпчилиги бунинг учун етарли молиявий манбага ега емаслигини қайд етишди. Ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оила учун зарур миқдорда маблағ керак бўлади. Демак, Оила даромадларини кўпайтиришга ёъналтирилган сиёсатни амалга ошириш билан бирга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микромолиявий институтларнинг ролини ҳам ошириш талаб етилади;

10. Хизмат соҳаси оилавий тадбиркорлик субъектларига кадрлар таёрлаш, касби бўлмаган шахсларга бозор талабига мос касблар ўргатиш, хусусан хизмат соҳаларига мос мутахассислар таёрлашга ёрдам бериш ҳамда ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш зарур.

Коллеж таълим жараёнида амалий машг'улотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни берилди:

- коллеж таълим жараёнидаги ески услубдаги анъанавий о'қитишдан воз кечиш, о'рнига янги услубдаги о'қитиш технологияларини қо'ллаш мақсадга мувофиқ;

- таълим жараёнида замонавий о'қитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш қо'ламини кенгайтириш лозим;

- коллеждаги мавжуд техника ва технологияларни ишлата оладиган, улардан педагоглик фаолиятида унумли фойдаланишга қодир кадрларни тайёрлашни ё'лга қо'йиш мақсадга молик;

- назарий дарс машг'улотларини о'тишда "Муаммоли вазият" методларидан фойдаланишни ё'лга қо'йиш лозим.

- о'қувчиларга амалий машг'улот топшириқларини мустақил бажаришлари учун инструксион-технологик карталар берилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонун Тошкент, 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Тошкент 1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида” ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредит, ташкилотлари тўғрисида” ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида” ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар - Т.: Ўзбекистон. 1992. – 19 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”. // Ж. Солиқ тўловчи журнали. 1998. № 7 – 8. – 12 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июн 1998 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида” ги қонуни. // Халқ сўзи. 7 январь 2012 йил.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги Қонуни // Халқ сўзи. 2012 йил 27 апрел

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, № 4, 2003 й, 3 Б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони - 2003 й. 24 январ. // “Халқ сўзи” -2003.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-10-сонли Қарори. (2005 йил 16 феврал).
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”. “Халқ сўзи” 2005 йил 16 июнь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора - тадбирлар тўғрисида”. “Халқ сўзи”, 2005 йил 21 июнь.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида” (2006 й. 5 январ). “Ишонч” газетаси 2006 й 6 январ, №3 (2052).

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2006 йил 17 апрел).
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора -тадбирлари тўғрисида” (2007 йил 18 май).
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида” ги қарори. 2002 йил 4 июнь. // “Халқ сўзи” - 2002.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

20. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008.
21. И.А.Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: «Шарқ», 1997.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоқотларни чуқурлаштириш йўлида. Т: Ўзбекистон, 1995.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.
24. Каримов И.А. Жамиятимизнинг мафқураси халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилишга хизмат этсин. Т: Ўзбекистон, 1998.
25. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т: Ўзбекистон, 1998.
26. Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар куради // “Халқ сўзи”, 1999. 17 февраль.
27. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 16- Б. 13. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - тараққиёт гарови. “Халқ сўзи”, 2001. 18 июль.
28. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005 .82- Б.
29. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Т.: Ўзбекистон, 2011.
30. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоқотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Халқ сўзи газетаси, 18.01.2014
31. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир.//Халқ сўзи.17,01,2015 йил.

IV. Асосий адабиётлар

32. Абдуллаев Ё. Статистиканинг умумий назарияси. Т.: “Ўқитувчи” 1993, 146-Б.

33. Абдукаримов Б.А., Мусаев Б.Ш. Коммунал хизматларни ташкиллаштириш аҳолига қулайликлар яратиш омили. Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. - 28 Б.
34. Пардаев М, Шодиева Г. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. (маърузалар матни), Қашқадарё 2001й, 8 Б.
35. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999. 58-71 Б.
36. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Тошкент. ТДПУ, 2003. -174б.
37. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари (ўқув қўлланма).Т- «Фан»нашриёти, 2006.
38. Ўлмасов. А Оила иқтисоди. Тошкент – “Меҳнат” - 1998 й.
39. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т-2002 й. 94 Б.
40. А. Ходжабоев, И. Хусанов “Қасбий таълим методологияси” Т. 2002

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

41. Астанов Б. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш - товар бозорини тўлдириш, иш билан бандликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда асосий йўналишлардан бири. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 7. - 2003. - 38-40 Б.
42. Азимшоева З.М. Борьба с бедностью как приоритетная задача Всемирного Банка. // 64. Ахмеджонов Ҳ. Хонадон хўжалиги жамғармаларини инвестициялаш. // Бозор, пул ва кредит. №12. - 2005. - 31-Б.
43. Вахобов А. Хонадон молияси хусусиятлари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 10.-2003. - 14-15 Б.
44. Вахобов А. Хонадон ва давлат молиясининг ўзаро муносабатлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 11-12. - 2003. - 54-55 Б.
45. Шодиева Г. Оила хўжалиги даромадлари кўпайишига эришиш.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - № 12. - 2001. - 30-31 Б.
46. Шодиева Г. Оилавий тадбиркорлик ва уни ривожлантириш омили. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - №10. 2003. - 12 Б.
47. Шодиева Г, Пардаев М. Қасаначилик - оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда янги йўналиш.// Бозор, пул ва кредит.- №3.2006. 51Б.
48. Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012-2013 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т.: 2013
49. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармасининг 2011-2013 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари ва йиллик ҳисоботлари.
50. Қашқадарё вилояти Статистика бошқармасининг 2011-2013 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари ва йиллик ҳисоботлари.
51. Хўжаев Н., Хасанбоев Ж. “Иқтисодий педагогика” Т – 2002 йил.
52. М.Очилов “Янги педагогик технологиялар”Қ 2000 йил
53. Рашидов Х ва бошқалар. “Қасбий педагогика” блокани ўқитиш методикаси (ўқув қўлланма) Т. 2007

VII. Интернет сайтлари

- 54. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Статистика Вазирлиги)
- 55. <http://www.mineconomy.cc> (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги)
- 56. <http://www.worldbank.org>. (Жаҳон банкининг расмий сайти)
- 57. [www.inter](http://www.inter-pedagogika.ru) – pedagogika.ru
- 58. [www.ziyo](http://www.ziyo.net) net